

# СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 41 (1365) • 2020 йил 13 октябрь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Қандай корхоналарда ички аудитор бўлиши шарт?

2-бет

Пандемия туфайли шартномалар тузилмади. Бироқ ижара ва алоқа хизматлари бўйича харажатлар қилинган...

3-бет

**ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИГА СОЛИҚ СОЛИШ**

Бу масала бухгалтерларда талай саволлар туғдирмоқда

4-5-бетлар

Солиқни тўланг. Лекин хатога йўл қўйманг

5-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

7-12-бетлар

Covid-19 бўйича касаллик варақасига ижтимоий солиқ солинадими?

13-бет

Божхона почта кутисига қандай савол бор?

14-15-бетлар

21 октябрь – Ўзбек тили байрами кун

16-бет

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

### ЎЗБЕКИСТОН ПОЙАБЗАЛИ – УММОНЛАР ОШАДИ

Ўзбекистондан йил бошидан буён қарийб 28 млн АҚШ доллари қийматидаги пойабзал экспорт божхона режимига расмийлаштирилди.

Жорий йилда экспорт қилинган пойабзаллар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91 фоизга ошди.

Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилда пойабзалларнинг Тожикистонга экспорти 4,5 баробарга, Афғонистонга экспорти 4,4 баробарга, Қозоғистонга экспорти салкам 2,1 баробарга, Туркманистонга экспорти 1,8 баробарга ва Қирғизистонга экспорти 1,1 баробарга ошган.

Шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пойабзаллар экспорт қилинган давлатлар қаторига жорий йилда АҚШ, БАА, Кувайт, Латвия ва Молдова ҳам қўшилди.

Мамлакатимиздан пойабзал экспорт қилинган давлатлар сони 12 тани ташкил қилиб, улар қаторида Россия ва Озарбайжон ҳам бор.

Маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига жорий йилда республикамизга пойабзал импорти миқдор жиҳатидан салкам 4 млн жуфтга, яъни 74 % га қисқарди.

ДБК Ахборот хизмати.



## ҚАРОР ВА ИЖРО

### ТЕНГ МАВҚЕГА ЭГА «РАҚИБ»

Солиқ маслаҳатчилари ваколатлари янада кенгаймоқда

Жорий йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантиришга доир ПҚ-4846-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан солиқ маслаҳатчилари фаолияти, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари масаласида кўпгина ўзгаришлар кўзда тутилди.

Жумладан, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органларида солиқ маслаҳатчиларига солиққа тортиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда, солиқ органларининг ҳужжатлари, мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан шикоят қилишда компьютер технологиялари ва алоқа воситалари, аудио ва видео ёзувлар воситаларидан фойдаланишга руҳсат берилди.

**Табийки, савол туғилди:** солиқ маслаҳатчисига судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда солиққа тортиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда бундай ҳуқуқ йўқми?

Солиқ маслаҳатчиларига мазкур ҳуқуқ бундан 14 йил аввал 29.06.2006 йилдаги «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-55-сон Қонуни билан берилган эди. Аммо, шу кунга қадар бу ваколат фақатгина ушбу Қонундагина кўзда тутилган бўлиб, бошқа қонуности меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгариш киритилмасдан қолиб кетган эди. Яъни, солиққа оид жиний ишлар бўлса ҳам Жиний процессуал кодексга тегишли ўзгаришлар киритилмаганлиги сабабли солиқ маслаҳатчилари тергов органларида ёки жи-



ной судларда солиқ тўловчиси бевосита ҳимоя қила олмас эди. Ваҳоланки, «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунга кўра судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича миқоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилиш солиқ маслаҳати хизмати ҳисобланиши белгилангандир.

ПҚ-4846-сон қарор билан мазкур ҳуқуқларга қўшимча ваколатларни белгилаш билан чекланиб қолмасдан, мазкур қарордан келиб чиқадиган алоҳида қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи топширилган. Умид қиламизки, ушбу қарордан кейин жиний, маъмурий, иқтисодий кодекслар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам тегишли ўзгаришлар киритилиши эътибордан четда қолиб кетмайди.

Қарорда яна бир қатор бошқа янгиликлар мавжуд, жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазир-

лиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига Солиқ маслаҳатчилари палатасига Тошкент Молия институтида Солиқ маслаҳати фани киритилишини таъминлаш вазифалари топширилди.

Давлат солиқ қўмитаси ўз веб-сайтида солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса беришга ҳақли бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг доимий равишда янгилаб туриладиган рўйхатини юритади. Солиқ идоралари тавakkалчилик дастури орқали аниқланган 3 йилда йиллик айланмаси 1 млрд сўмгача бўлган солиқ тўловчилар тугатилганда солиқ маслаҳатчилари хулосаларини тан олиши белгиланди.

Бу эса, ўз навбатида, биринчидан, фаолиятини тугатмоқчи бўлган солиқ тўловчилар учун бир мунча қулай шароитларни келтириб чиқарса, иккинчидан, солиқ маслаҳати институтининг солиқ органлари офирини энгил қилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

*Ҳар қандай ҳолда ҳам бу қарорнинг қабул қилиниши билан белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилишига ва солиқ маслаҳатчилари институти тадбиркорларни солиқ масалаларида ҳимоя қилишда давлат органлари мутахассислари билан очик баҳс юрита оладиган тенг мавқедаги «рақиб» бўла олишига ишонч билдириб қоламиз.*

Мурод МУҲАММАДЖОНОВ, солиқ маслаҳатчиси.



## ИЧКИ АУДИТОРЛАР КИМЛАР УЧУН ЗАРУР

Ички аудит – корпоратив бошқарувнинг замонавий тизимида муҳим функция, айниқса – йирик корхоналар, акциядорлик жамиятлари ва ижтимоий аҳамиятга эга ташкилотлар учун. У корхона фаолиятининг барча соҳаларини чуқур ўрганиш, ҳатари баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этиш имконини беради ва шу билан бизнес-жараёнларни яхшилашга қўмаклашади. Ўзбекистонда қандай корхоналар ички аудит хизматига эга бўлиши шартлиги ва унинг мутахассисларига қўйиладиган талаблар ҳақида [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) илтимосига биноан «Norma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ гашириб берди.

– Ички аудит хизмати:

- активларининг баланс қиймати 1 млрд сўмдан кўп бўлган корхоналарда;
- активларининг баланс қиймати БҲМнинг 100 минг каррасидан кўпроқ бўлган акциядорлик жамиятларида бўлиши шарт (27.09.2006

йилдаги ПҚ-475-сон 3-б.).

Ички аудит хизмати корхонанинг кузатув кенгаши томонидан ташкил этилади ва унинг ходимлари кузатув кенгаши томонидан тайинланади. Хизмат кузатув кенгашига ҳисобот беради.

### Ички аудит хизмати нима учун керак

Самарали ишлайдиган ички аудит хизмати биринчи навбатда корхоналарнинг ўзи учун фойдали, сабаби:

- раҳбарият ва таркибий бўлинмалар фаолиятини, улар томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга ва ҳўжалик операцияларини амалга оширишнинг тартиб-таомилларига риоя қилинишини назорат қилиш;
- маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилиги таъминланаётганлигини, активларнинг сақланишини текшириш;
- ички назорат тизими ва корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини баҳолаш имконини беради.

### Ички аудиторларга талаблар

Ички аудит хизмати ходимларининг сони корхонанинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади. У ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазибаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак.

Бундай хизматнинг мавжуд бўлиши шарт бўлган корхоналарда сертификатланган 2 нафардан кам бўлмаган ички аудитор ишлаши шарт.

Ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қилади.

Ички аудит хизмати ходимлари:

- охириги ўн йилнинг камида 2 йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий, шу жумладан, ўриндошлик бўйича иш стажига эга бўлиши;

● қуйидаги талаблардан биттасига жавоб бериши керак:

- аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиши;
- Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ёхуд хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиши. Охириги ҳолатда унинг Ўзбекистондаги таълимга тенглиги эътироф этилган бўлиши керак.
- Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби Низомда (AB рақами 2361, 12.05.2012 й.) белгиланган.



*Агар ички аудит хизматини ташкил этиш шарт бўлмаса, бироқ сиз кимдир корхона фаолиятини таҳлил қилишини ва бизнес-жараёнларни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни таклиф этишини хоҳласангиз, малакали ички аудиторни ишга қабул қилиш ҳақида ўйланг.*

*Айниқса бу ўз корхоналарининг кундалик фаолиятини ўзлари бошқармайдиган мулкдорлар учун долзарбдир.*

*Ички аудиторлар олдида аниқ вазибалар, муҳим, бироқ эришиши мумкин бўлган мақсадларни қўйинг. Ва корхонанинг ижро этувчи органи ички аудитор томонидан аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиши, шунингдек ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни жорий этишга қўмаклашишини кузатиб боринг.*

#### УШБУ СОНДА:

- **ҚАРОР ВА ИЖРО** – Тенг мавқега эга «рақиб» **1-бет**
- **ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ** – Ўзбекистон пойабзали – уммонлар ошадди **1-бет**
- **РАҲБАРГА РИСОЛА** – Ички аудиторлар кимлар учун зарур – Капитал таъмирлаш қандай тўғри ҳисобга олинади **2-бет**
- **СОЛИҚ СОЛИШ** – Экспертиза хизматлари: солиқ қандай тўланади

- Текин фойдаланишга бериш: солиқ оқибатлари
- Курилиш мавжуд бўлмаганда
- Жисмоний шахслардан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш
- Хизматлар экспортига солиқ солиш
- Солиқларни тўлашда қандай қилиб хатога йўл қўймаслик мумкин **3-5-бетлар**
- **ҚҚС ХУСУСИДА** – Товар қайтарилганда ёки хизмат рад этилганда ҚҚС бўйича солиқ базасига қандай тузатиш киритилади
- Импорт шартнома туздингизми – ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтинг **6-бет**

- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
- «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори** – «Коронавирус пандемияси туфайли юзга келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида» **7-12-бетлар**

- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ** – АВни реализация қилишдан зарар қандай ҳисобга олинади
- COVID-19 бўйича касаллик варақаси ва ЖШДС **13-бет**
- **БОЖХОНА** – Давлат фойдасига «воз кечинг»
- Божхона имтиёзларининг бекор қилинган хусусида
- Олиб чиқиш мумкин, лекин рухсатнома билан
- Рўйхатлар билан солиштиринг
- Она тили – миллат тимсоли
- Ноконуний фаолият – келтирар азият **14-16-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



*Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона балансида тўлиқ амортизацияланган бино мавжуд. Қонун бўйича мол-мулк солиғини тўлаш учун уни бозор қиймати бўйича қайта баҳолаш керак. 2019 йилда капитал таъмирлаш ўтказилган, бу бино қийматида акс эттирилмаган. Таъмирлаш уни капитал деб ҳисоблаш учун БҲМСдаги барча талабларга жавоб беради. Капитал таъмирлашни бино қийматига ҳисобга киритиб, 2019 йил учун ҳисоботларни қайта топшироқчимиз, бироқ бизга уни бозор қиймати бўйича қайта баҳолашни маслаҳат беришди.*

*Капитал таъмирлаш қандай акс эттирилади? Бинони бозор қиймати бўйича қайта баҳоламасдан, капитал таъмирлашни ҳисобга олган ҳолда ҳисоботларни қайта топшириш мумкинми?*

## КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ҚАНДАЙ ТЎҒРИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

– Капиталлаштирилмайдиган харажатлар объект қийматини оширади. Бинони куриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилишга доир харажатларни капиталлаштириш, яъни бино қийматида ҳисобга олиш мумкин. Ушбу операциялар натижасида бинодан фойдаланишнинг норматив кўрсаткичлари (фойдали фойдаланиш муддати, майдони, фойдаланиш сифати ва ҳ.к.) яхшиланади (оширилади). Мазкур ҳолатда, қоидага қўра, сизда бинони куриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бўлиши лозим.

Капиталлаштирилмайдиган харажатлар объект қийматини оширмайди. Биноларни капитал таъмирлаш – базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, уларнинг барча эскирган конструкцияларини алмаштириш ёки қайта тиклаш амалга ошириладиган таъмирлаш, яъни бинони ишчи ҳолатда тутиб туриш (AB томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 47-банди).

Таъмирлаш, шу жумладан капитал таъмирлаш асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш, баланс) қийматини оширмайди.

Объектни ишчи ҳолатда

тутиб туриш ва ундан фойдаланишдан келгусидаги иқтисодий нафнинг дастлабки белгиланган суммасини олиш учун амалга ошириладиган харажатлар улар тегишли бўлган ҳисобот давридаги харажатлар таркибига киритилади.

Ишлаб чиқаришдаги АВни ишчи ҳолатда тутиб туришга доир харажатлар (техник кўриқдан ўтказиш ва ҳолатини яхшилашга оид харажатлар) ҳамда ишлаб чиқаришдаги АВларни барча турдаги таъмирлашнинг (жорий, ўртача, капитал тарзда) ўтказиш харажатлари маҳсулотнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ишлаб чиқариш таннарига, маъмурий ва ижтимоий-маданий вазибаларни амалга ошириш учун мўлжалланган АВ бўйича эса – давр харажатлари таркибига киритилади (5-сон БҲМСнинг 48-банди).

Сиз бино бўйича айнан қандай харажатлар (капиталлаштирилмайдиган) қилинганлигини аниқлаштириб олишингиз ва бундан кейин 2019 йил учун молиявий ва солиқ ҳисоботларини қайта топшириш тўғрисида қарор қабул қилишингиз лозим.

**Замира Жўраева,**  
«Norma» МЧЖ  
эксперти.



## ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТЛАРИ: СОЛИҚ ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ

**?** ЎзР резиденти бўлган ташиқлот томонидан тузилган шартномага кўра Германия компанияси топширигимизга биноан бизга менежмент тизими аудити бўйича ҳисобот ҳужжатларини экспертиза қилиш хизматларини кўрсатади. Хизматлар Германия ҳудудида кўрсатилади. Хизматлар кўрсатганлиги учун норезидентга ҳақ тўланади.

Ташиқлот Ўзбекистон норезиденти олган даромаддан ҚҚС ва даромад солигини ҳисоблаши ва ушлаб қолиши лозими?

### Кўшилган қиймат солиғи

ЎзР норезидентидан менежмент тизими аудити бўйича ҳисобот ҳужжатларини экспертиза қилиш хизматларини олишда уларнинг харидори (маҳаллий ташиқлот - Ўзбекистон резиденти) ҚҚСни ушлаб қолиши ва бюджетга тўлаши лозим.

Хизматлар импортида ҚҚС солиқ мақсадларида уларни реализация қилиш жойи СКнинг 241-моддасига мувофиқ белгиланади. Умумий тартибга кўра бундай хизматларнинг харидори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни амалга оширса ёки турса, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади (СК 241-м. 1-қ.). СКнинг 241-моддаси 3-қисмида келтирилган айрим хизматлар учун бошқача тартиб белгиланган. Ушбу рўйхатда сиз кўрсатган хизмат мавжуд эмас, тегишinchа, реализация қилиш жойи СКнинг 241-моддаси 1-қисмига мувофиқ аниқланади.

### Норезидентларнинг даромадларидан фойда солиғи

Менежмент тизими аудити бўйича ҳисобот ҳужжатларини экспер-

тиза қилиш хизматларини маслаҳат тусидаги хизматлар жумласига киритиш мумкин.

Бошқарувга оид, техник ёки маслаҳат хусусиятига эга хизматлар учун тўлов сифатида белгиланган техник хизматлардан олинган даромадлар тўлов манбаида – маҳаллий компанияда солиқ солинадиган даромадлар жумласига киради (СК 351-м. 2-қ. 17-б.).

Ўзбекистон ва Германия ўртасида Даромадлар ва мол-мулкка икки ёклама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисида битим (Берлин, 7.09.1999 й.) тузилган. Битимнинг 7-моддасига мувофиқ ахдлашувчи давлат корхонасининг фойдасига фақат корхона бошқа ахдлашувчи давлатнинг ҳудудида жойлашган доимий муассаса орқали фаолият юритмаган тақдирда, ушбу давлатда солиқ солиниши мумкин. Ушбу нормани қўллаш учун маҳаллий ташиқлотда даромад тўлаш чоғида норезидент ташиқлотнинг солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши лозим (СК 357-м.). Бундай ҳужжатга қўйиладиган талаблар СКнинг 358-моддасида белгиланган.

## ТЕКИН ФЙДАЛАНИШГА БЕРИШ: СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

**?** Улгурэси компания билан дистрибуторлик шартномасини тузган корхона (ишлаб чиқарувчи) ускунани вақтинчалик бепул фойдаланишига бермоқчи. Улгурэси компания ўз навбатида, сотувлар ҳажмини ошириш мақсадига ускунадан бепул фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга ҳам беради. Иккала тараф ҳам умумбелгиланган солиқларни тўлайди.


Ускуна бепул фойдаланишга берилганда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

– Мол-мулкни (хизматларни) текин асосда олиш чоғида олувчи шахсининг даромадлари уларни фойда солиғи бўйича солиқ базасига киритиш мақсадларида ушбу мол-мулкнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (СК 299-м.).

Тегишли равишда, ускунани текин фойдаланиш учун олувчи ҳар бир тараф фойда солиғи солиш мақсадларида бундай ускунадан фойдаланиш ҳуқуқини бозор қиймати бўйича даромад деб эътироф этиши лозим.

Ускунадан текин фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ харажатлар берувчи тарафда чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 18, 27-б.).

Бепул хизматлар кўрсатиш, шу жумладан мол-мулкни солиқ тўловчининг бепул фойдаланиши учун бериш, шундай хизматларни кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллардан ташқари ҳолларда товарларни реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади (СК 239-м.). Тегишinchа, ҳар бир берувчи тарафда бундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаганда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган айланма юзага келади.



## ҚУРИЛИШ МАВЖУД БЎЛМАГАНДА

**?** Корхона қурилиш билан шуғулланади ва умумбелгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланади. Йил бошидан пандемия туфайли қурилиш бўйича амалда шартномалар мавжуд эмас. Бироқ ижара ва алоқа хизматлари бўйича харажатлар қилинган. Корхона реализация қилиш бўйича айланмалар мавжуд бўлмаганда, ижара ва алоқа хизматлари бўйича ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган ҚҚСни ҳисобга олишига ҳақлими?

– Ҳа, корхона реализация қилиш бўйича айланмалар мавжуд бўлмаганда, ижара ва алоқа хизматлари бўйича ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақли.

Ҳисоблаб чиқарилган, бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси салбий бўлса, корхона мазкур сумманинг ўрнини ушбу суммани қоплаш ҳуқуқига эга бўлади (СК 272-м. 3-қ.).

СКнинг 272-моддасига мувофиқ ўрни қопланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси ҚҚС бўйича келгуси тўловлар ҳисобидан ҳисобга олинади (СК 274-м. 1-қ.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ

**?** Ташиқлотнинг (умумбелгиланган солиқларни тўловчи) асосий фаолият тури ҳар хил мева ва сабзавотларни экспорт қилиш ҳисобланади. Ташиқлот экспорт қилинадиган товарни ўзига тегишли ер участкасида маҳсулот етиштирадиган жисмоний шахслардан сотиб олади. Жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олинishi қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади? Жисмоний шахслардан сотиб олинган товар учун тўланган суммага ЖШДС солинадими?

– Умумий қоидага кўра, жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш олди-сотди шартномаси ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади (ФК 386-м.). Шунингдек харид далолатномаси билан расмийлаштирилиши мумкин, бунда сотувчи ва харидорнинг барча зарур реквизитлари келтирилиши лозим.

Уй хўжалигида, шу жумладан дехқон хўжалигида етиштирилган дехқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олиннадиган даромадларга солиқ солинмайди, табиий ва қайта ишланган манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари бундан мустасно (СК 378-м. 1-қ. 8-б.).

**Изоҳ.** 2007 йилги таҳрирдаги Солиқ кодексига тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки сабзавотчилик ширкатлари томонидан берилган, солиқ тўловчи томонидан реализация қилинган маҳсулот унга ёки оила аъзоларига тегишли бўлган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжат солиқ тўловчи томонидан тақдим этилиши шарт билан, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод этилиши белгиланган эди (179-м. 12-б.).

Амалдаги СК таҳририда бундай талаб мавжуд эмас. Бунда уй ва дехқон хўжаликларига етиштирилган маҳсулотлар учун имтиёз қўлланилиши эътиборга олиш лозим. Жис-

моний шахсдан йирик туркумда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишда ЖШДС бўйича имтиёз қўлланилиши ноқонуний деб эътироф этилиши хатари мавжуд бўлади.

Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



# ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИГА СОЛИҚ СОЛИШ



Хизматлар экспорти бухгалтерларда талай саволлар туғдирмоқда. **buxgalter.uz** илтимосига биноан «Norma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ бундай хўжалик операцияларига солиқ солишнинг ўзига хос жиҳатларини тушунишга ёрдам берди.

Ишлар (хизматлар) экспорти – бу Ўзбекистоннинг юридик ёки жисмоний шахси томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш) («Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» Қонун 11-б. 5-қ.).

Ўз кучи билан хизматлар кўрсатишга (ишларни бажаришга) чет эл валютасида тузилган шартномалар:

- халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳа-

лар бўйича халқаро тендерларда иштирок этиш натижалари бўйича;

- агар товар (иш, хизмат)лардан Ўзбекистон ҳудудида фойдаланилса, етказиб беришга норезидентлар билан тўғридан-тўғри битимлар шартида экспорт шартномаларига тенглаштирилади.

Ушбу шартномалар ҳақидаги маълумотлар Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилиши керак (26.03.2012 йилдаги ПҚ-1731-сон қарор 5-б.).

СКда назарда тутилган преференцияларни инобатга олган ҳолда хизматлар экспортининг солиқ оқибатларини кўриб чиқамиз.

## I. Кўшилган қиймат солиғи

Агар реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлса, хизматларни реализация қилиш бўйича айланма ҚҚС солиш объекти ҳисобланади (СК 238-м. 1-қ. 1-б.).

Хизматларни реализация қилиш бўйича айланма – бу товарни реализация қилишдан фарқ қилувчи, қуйидагиларни ўз ичига олувчи ҳар қандай фаолият:

- эвазга, яъни пуллик асосда хизматлар кўрсатиш;
- бепул хизматлар кўрсатиш, шу жумладан мол-мулкни солиқ тўловчининг бепул фойдаланиши учун бериш. Агар бепул хизматлар кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқласа, у

реализация қилиш бўйича айланмага киритилмайди (СК 239-м. 2-қ.).

Хизматлар экспортига:

- агар реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳудуди бўлса, 15% ставка бўйича ҚҚС солинади. Хизматлар реализация қилиш жойини қандай аниқлаш СКнинг 241-моддасида кўрсатилган;
- айрим хизмат турлари бўйича 0% ставка бўйича солиқ солинади (СК 36-боб);
- иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган бепул хизматлар кўрсатилган ҳолда ва ҚҚСдан озод қилинган айланмаларда ҚҚС солинмайди (СК 239-м. 2-қ., 243-245-м.).



Экспорт қилинадиган хизматларга тўғри солиқ солиш учун қуйидагиларни аниқланг:

- 1) хизматларни реализация қилиш жойини;
- 2) ҚҚСнинг ноль даражаси ставкаси қўлланаётган ёки қўлланмаётганлигини;
- 3) бепул хизматлар кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаганлигини;
- 4) хизматлар ҚҚСдан озод этилган ёки этилмаганлигини.

### I. Хизматларни реализация қилиш жойи

Умумий қоидага биноан, башарти хизматларнинг харидори Ўзбекистон ҳудудида фаолиятни амалга оширса ёки турса, Ўзбекистон ҳудуди хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади (СК 241-м.).

Агар хизматларнинг харидори Ўзбекистон ҳудудида юридик шахсни, унинг филиалларини ёки ваколатхоналарини ёки жисмоний шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш асосида ҳақиқатда ҳозир бўлса, харидор рес-

публикада фаолиятни амалга оширади.

Агар хизматлар харидори давлат рўйхатидан ўтказилмаган тақдирда, унинг Ўзбекистон ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиши қуйидагилар асосида белгиланади:

- юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой;
- уни бошқариш жойи;
- унинг доимий муассасаси жойлашган ер – агар хизматлар ушбу ДМ орқали олинган бўлса;
- жисмоний шахснинг яшаш жойи.



Айрим хизмат турлари учун реализация қилиш жойи умумий қоида бўйича эмас, балки СКнинг 241-моддаси 3-қисми 1-10-бандларида кўрсатилган қоидалар бўйича белгиланади.

Масалан, хизматлар Ўзбекистон ҳудудида турган кўчмас мол-мулк билан бевосита боғлиқ бўлса, Ўзбекистон ҳудуди хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Хусусан, бу:

- қурилиш, монтаж қилиш, қурилиш-монтаж хизматлари;
- архитектура лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш фаолиятини тайёрлаш ва мувофиқлаштириш, архитектура ва қурилиш фаолияти устидан муаллифлик ва техник назорат билан боғлиқ бўлган хизматлар;
- кўчмас мол-мулкни доир ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш ишлари, кўчаларнинг ямонлаштириш ишлари;
- кўчмас мол-мулкни ижарага бериш (СК 241-м. 3-қ. 1-б.).

Сиз кўрсатадиган хизматлар СКнинг 241-моддаси 3-қисмида келтирилган рўйхатда кўрсатилганлигини текширинг. Агар – кўрсатилган бўлса, хизматларни реализация қилиш жойини ушбу қоидалар бўйича белгиланг.

Агар хизматлар рўйхатда тақдим этилмаган бўлса, уларни реализация қилиш жойини умумий қоида бўйича, яъни – харидор фаолиятни амалга оширадиган ёки турган жой бўйича белгиланг.

### МИСОЛ. Хизматлар кўрсатиш жойи умумий қоида бўйича белгиланганда

Корхона Ўзбекистон норезидентига Ўзбекистон ҳудудида телевидение, радио ва босма ОАВда реклама жойлаштириш хизматларини кўрсатди.

Хизматлар харидори Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатмайди ва турмайди. Бироқ ушбу хизмат тури реализация қилиш жойи умумий қоида бўйича белгиланмайдиган рўйхатга киради.

Реклама республика ҳудудида жойлаштирилганлиги боис, Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи бўлади. Хизматларни реализация қилиш бўйича айланмага 15% ставка бўйича ҚҚС солинади.

Агар хизматлар кўрсатиш асосий хизматларни реализация қилишига нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, уларни реализация қилиш жойи деб асосий хизматлар реализация қилинган жой эътироф этилади (СК 241-м. 5-қ.).

### 2. ҚҚСнинг ноль даражаси ставкаси

Қуйидаги хизматларни реализация қилиш бўйича айланмага ҚҚСнинг ноль даражаси ставкаси бўйича солиқ солинади:

Ўзбекистоннинг божхона ҳудудида товарларни қайта ишлаш бўйича – қайта ишлаш маҳсулотларини Ўзбекистоннинг божхона ҳудудидан

ташқарига олиб чиқиш шарт билан. Бироқ қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш божхона режимига жойлаштирилса, уларга 15% ставка бўйича солиқ солинади (СК 262-м.);

СКнинг 263-моддасида келтирилган халқаро ташишлар билан боғлиқ йўловчиларни, почтани ва багажни ташиш бўйича.



Агар сиз қуйидаги хизматларни реализация қилиш бўйича айлангани амалга оширсангиз, ҚҚСни умумбелгиланган тартибда тўланг:

чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун; маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида товарларни (хизматларни) сотиб олаётган солиқ тўловчилар томонидан, агар битимда ноль даражаси ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса.

Ушбу тоифалардаги истеъмолчилар бўйича уларнинг аризаларига биноан тўланган солиқни қоплаш (қайтариш) йўли билан ҚҚСнинг ноль даражаси ставкасини қўллашнинг алоҳида тартиби назарда тутилган (СК 264-м. 1, 2-қ.).

### 3. Иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган бепул хизматлар кўрсатиш

Бепул хизматлар кўрсатиш, башарти қуйидаги шартлардан бирига риоя қилинган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган деб эътироф этилади:

- даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;
- қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса (СК 239-м. 3-қ.).

Иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган бепул хизматлар кўрсатишга мисол та-

риқасида истикболли мижозлар учун кенг баҳадор қилиш юзасидан реклама мақсадларида кўрсатилган хизматларни келтириш мумкин.

### 4. ҚҚСдан озод этиладиган хизматларни реализация қилиш бўйича айланмалар

Қуйидаги хизматлар бўйича айланма ҚҚСдан озод этилади:

- СКнинг 243-моддасида кўрсатилган хизматлар, солиқ тўловчида тегишли лицензиялар ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, агар улар қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб этилса;
- СКнинг 244-моддасида кўрсатилган молиявий хизматларни;
- СКнинг 245-моддасида кўрсатилган суғурта хизматларини.



Мисол учун, ХМИнинг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олинандиган хизматларни реализация қилиш бўйича айланма, агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда

тутилган бўлса, ҚҚСдан озод этилади (СК 243-м. 1-қ. 23-б.).

Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун ҚҚС бўйича имтиёзларни назарда тутиши мумкин.

## СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШДА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК МУМКИН

Солиқларни тўлаш чоғида тез-тез хатолар содир бўлиб туради: бухгалтернинг эътиборсизлиги, катта рақамлар билан ишлаши, ишнинг ҳаддан ташқари кўплиги. Қандай қилиб бундай вазиятга тушиб қолмаслик ҳақида [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) илтимосига биноан «Nogma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА гапириб берди.

– Солиқнинг кам тўланишига олиб келадиган энг кўп содир бўладиган хатолар:

• солиқ суммаси нотўғри киритилган.

Бухгалтер бехосдан рақамларни жойи билан чалқаштириб, солиқнинг камроқ суммасини киритади. Масалан, 497 532 824 сўм ўрнига 479 532 824 сўм жўнатилади.

• солиқни тўлаш учун тўлов топ-

ширикномаси жўнатишган, бироқ тўлов ўтказилмаган.

Сабаблари:

– тўлов топширикномасини шакллантиришда қорхонанинг бошқа ҳисобварағи автоматик тарзда чиқарилади (масалан, ёпиқ ҳисобварақ);

– тўлов кечроқ кечкурун жўнатишган ва банк уни ўтказмаган;

• солиқни тўлаш чоғида солиқнинг нотўғри коди танланган ва х.к.

### Агар солиқ кам тўланган бўлса

Солиқ кам тўланган тақдирда пеня ҳисоблаш ёки молиявий санкцияларни қўллаш бухгалтер хатони қанчалик тез аниқлашга боғлиқ. Агар у кам тўланганлигини тўлов муддати ўтгунга қадар аниқласа ва қўшимча солиқ тў-

ласа, ҳеч қандай оқибатлар бўлмайди. Агарда – мuddат ўтгач аниқласа, мuddат ўтган кундан кейинги кундан бошлаб пеня «томини» бошлайди. Боқимондани пеня билан бирга сўндиришга тўғри келади.



2020 йилдан бошлаб пеня ставкаси МБнинг қайта молялаш ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланади ва унинг уч юздан бирга тенг (СК 110-м. 11-қ.).

Пеня ставкаси ҳар бир кун учун қуйидагига тенг:

1.01.2020 йилдан 14.04.2020 йилга қадар – 0,053% (16% x 1/300);

15.04.2020 йилдан бошлаб – 0,05% (15% x 1/300);

11.09.2020 йилдан бошлаб – 0,047% (14% x 1/300).

### МИСОЛ. Солиқнинг кам тўланганлиги мuddат ўтгач аниқланди

II чорак учун фойда солигини тўлаш чоғида бухгалтер 3,6 млн сўм миқдоридан солиқни кам тўлади. Хато тўлов мuddати тугагандан сўнг 15 кундан кейин аниқланди.

Бу ҳолда 3,6 млн сўм миқдоридан солиқни ва 27 минг сўм миқдоридан пеняни (3 600 000 x 15 x 0,05%) тўлаш зарур бўлади.

### Агар бухгалтер ортиқча солиқ тўлаган бўлса

Бундай ҳолат ҳам амалиётда учраб туради. Масалан, бухгалтер бехосдан қўшимча ноль киритган бўлиши мумкин. Ёки солиқ суммасини бухгалтерлик дастуридан «банк мижоз» тизимига киритишда тийинли сумма яхлит сон сифатида акс эттирилиши мумкин. Барча вариантларни келтириб ўтишнинг имкони йўқ...

Агар ортиқча тўлов суммаси унча катта бўлмаса, уни солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига қолдириш мумкин. Бирок агар у – катта ва қорхона пул маблағларини муайян мақсадлар учун иш-

латишни режалаштирган бўлса, ортиқча тўланган суммани қайтариш лозим.

Бунинг учун солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали «Ортиқча тўланган солиқлар суммаларини қайтариш» аризасини юборинг. Сиз ортиқча тўланган солиқ суммасини тўлиқ ёки қисман қайтаришингиз мумкин. Агар бошқа солиқлар бўйича қарз бўлмаса, ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ органи томонидан бундай ариза олинган кундан эътиборан 15 кун ичида қайтарилиши лозим (СК 103-м 3-қ., 104-м. 4-қ.).

### Ортиқча тўланган суммага фозилар ҳисобланадими

Фозилар фақат ортиқча солиқ суммаси солиқ органи томонидан ундирилган тақдирда ҳисобланади (СК 105-м.). Мазкур чора солиқ тўловчига етказилган зарарни компенсация қилиш учун назарда тутилган.

Бизнинг ҳолатимизда ортиқча тўлов бухгалтернинг ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш учун жавобгар бўлган бошқа шахснинг айби билан ҳосил бўлган, шу боис ортиқча тўланган солиқ суммасига фозилар ҳисобланмайди.

Солиқни тўлаш чоғида хатоларнинг олдини олиш мақсадида:

• солиқларни мuddатига тақаб ёки иш куни якунида, шошган ҳолда ёки кимдир сизни чалғитганда тўламанг;

• тўловдан сўнг солиқ бўйича шах-

сий карточкани текширинг: Кам тўланган тақдирда сиз буни дарҳол пайқайсиз;

• икки босқичли назоратни ташкил қилинг. Масалан, бухгалтерлардан бири солиқларни тўлаш учун тўлов топширикномаларини шакллантиради ва сақлаб қўяди. Шундан кейин бош бухгалтер яна бир бор ҳаммасини текширади ва ўзи тўлов топширикномасини банкка жўнатади;

• агар тўловлар бухгалтерлик дастурида шакллантирилса, уни сизни хатодан огоҳлантирадиган тарзда сошлаш мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқувчилардан унча тўлов суммасини олдинги давр учун тўланган солиқ суммаси билан солиштириш тартиб-таъомилни киритишни сўранг. Агар фарқ катта бўлса, дастур хато тўрисида огоҳлантиради.



Агар сизда ҚҚС солинадиган айланмалар ва ундан озод этиладиган айланмалар мавжуд бўлса, уларнинг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритинг. Бу олинандиган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун зарурдир (СК 268-м.).

### 5. ҚҚСни ҳисобга олиш

Агар ҚҚС солинадиган ўз хизматларингизни кўрсатиш учун сиз бошқа етказиб берувчиларнинг товарлари ва хизматларидан фойдалансангиз, уларнинг ҳисобварақ-фактураларида кўрсатилган ҚҚС суммасини ҳисобга олишингиз мумкин. Бу ноль даражали ҚҚС солинадиган айланмага ҳам татбиқ этилади (СК 266-м.).

Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва Ўзбекистоннинг юридик шахслари ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Ҳисобга олиш мақсадида бундай хизматларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солинадиган айланмага тенглаштирилади.



Агар сизда товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган айланмалар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган айланмага тўғри келадиган солиқ суммасини ҳисобга олиш учун қабул қилинг.

Ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммасини алоҳида-алоҳида усулда ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланг.

Танланган усулни солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сифатида мустақамланг (СК 77, 268-м.).

## II. Фойда солиғи

Хизматларни экспортга реализация қилишдан олинган фойдага 0% ставка бўйича фойда солиғи солинади, агар:

• товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинандиган даромадлар жами даромаднинг 15%дан кўпрогини ташкил этса;

• чет эл валютасида тўлов хизматлар кўрсатилган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида келиб тушган тақдирда (СК 337-м. 8, 10-қ.).

Агар сизда 0% даражали ставка ва

бошқа ставкалар бўйича солиқ солинадиган айланмалар мавжуд бўлса, даромадлар ва харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини мутаносиб усулда ёки тўғридан-тўғри усулда юритинг. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш тартибини солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сифатида акс эттиринг (СК 77, 80-м.).

Хизматлар экспортдан олинандиган фойдани бошқа фаолиятдан олинандиган фойдадан алоҳида аниқланг.

### МИСОЛ. Даромадлар ва харажатлар ҳисобининг мутаносиб усули

Қорхона ички бозорда ва экспортга хизматлар кўрсатади. Ҳисобот даври учун хизматларни реализация қилишдан олинган тушум ҚҚСсиз 540 млн сўмни, шу жумладан экспортга – 216 млн сўмни ташкил этди. Бошқа даромадлар бўлмади.

Чегириландиган харажатлар ушбу давр учун 360 млн сўмни ташкил этди. Экспортга хизматларни реализация қилишдан олинган тушумнинг улуғи жами даромадда 40%ни (216 / 540 x 100) ташкил этди.

Экспортга хизматлардан олинган даромадлар жами даромаднинг 15%дан кўпрогини ташкил этиши боис, қорхона экспортга хизматларни реализация қилишдан олинган фойда бўйича солиқнинг ноль даражали ставкасини қўллашга ҳақли. Қорхона даромадлар ва харажатлар ҳисобининг мутаносиб усулини қўллайди. Экспорт билан боғлиқ чегириландиган харажатлар 144 млн сўмни (360 x 40%) ташкил этади, бунда 40% – реализация қилишдан олинган тушумнинг умумий суммасида экспортга хизматларни реализация қилишдан олинган тушумнинг улуғидир.

Экспорт бўйича 72 млн сўм (216 – 144) миқдоридаги фойдага ноль даражали ставка бўйича солиқ солинади.

## III. Айланмадан олинандиган солиқ

Хизматларни экспорт қилишдан олинган даромадлар, агар улар жами даромаднинг 15%дан кўпрогини ташкил этса, айланмадан олинандиган солиқ ҳисоб-китобида жами даромаддан чегирилади (СК 464-м. 1-қ. 6-б.).

### МИСОЛ. Айланмадан олинандиган солиқ бўйича солиқ базасини аниқлаш

1. Қорхонанинг 2020 йил учун жами даромади 120 млн сўмни, шу жумладан хизматларни экспорт қилишдан олинган даромад – 36 млн сўмни (30%) ташкил этади. Айланмадан олинандиган солиқ бўйича солиқ базаси – 84 млн сўм (120 – 36).

2. Қорхонанинг 2020 йил учун жами даромади 120 млн сўмни, шу жумладан хизматларни экспорт қилишдан олинган даромад – 10,8 млн сўмни (9%) ташкил этади. Айланмадан олинандиган солиқ бўйича солиқ базаси – 120 млн сўм.



## ТОВАР ҚАЙТАРИЛГАНДА ЁКИ ХИЗМАТ РАД ЭТИЛГАНДА ҚҚС БЎЙИЧА СОЛИҚ БАЗАСИГА ҚАНДАЙ ТУЗАТИШ КИРИТИЛАДИ

Товарлар қайтарилиши – кам учрайдиган ҳолат эмас. Сотиб бўлинган товарларни яроқлилик муддати тугаганлиги, нуқсон аниқланганлиги ва х.к. сабаблар туфайли қайтарилиши мумкин. Корхонанинг бухгалтерия хизмати учун шу каби операциялар муайян ҳужжатларни (қайтариш далолатномаси, қўшимча ҳисобварақ-фактура) расмийлаштиришга олиб келади. Бундан ташқари, ҚҚС бўйича солиқ базасига тузатиш киритилиши керак.

Тузатиш киритишнинг ўзига хос жиҳатларини «Norma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА мисолларда тушунтиради.

– Агар сотиб олувчи ўзи сотиб олган товарни қайтарса (тўлиқ ёки қисман) ёки буюртмачи унга кўрсатилган хизматни рад этса, қўшимча («салбий») ҳисобварақ-фактура расмийлаштириш зарур.

Жўнатилган ва сотиб олувчи то-

монидан тасдиқланган (агар бунинг имкони бўлса) қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида ҚҚС бўйича солиқ базасига тузатиш киритиш зарур. Тузатишни товар қайтарилган (хизмат рад этилган) ойда акс эттиринг (СК 257-м. 1, 4-қ.).

### МИСОЛ. Сотиб олувчи томонидан товар қайтарилганда ҚҚС бўйича солиқ базасига тузатиш киритиши

Корхона 2020 йил 10 апрелда бошиқа корхонага 11 500 минг сўмлик товар реализация қилди, шу жумладан ҚҚС – 1 500 минг сўм.

2020 йил 14 май куни аниқланган нуқсон туфайли сотиб олувчи 1 150 минг сўмлик 4 бирлик товарни қайтарди, шу жумладан ҚҚС – 150 минг сўм.

Қайтарилган товарнинг таннархи – 800 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобида сотиб олувчи томонидан нуқсонли товар қайтарилганда ҚҚСга тузатиш киритишни бундай тарзда акс эттириши:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспондентияси	
		дебет	кредит
Сотиб олувчи томонидан қайтарилган товар унга пул маблағлари ўтказилган ҳолда акс эттирилди (1 150 / 1,15)	1 000	9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши»	5110-«Ҳисоб-китоб рақами»
Илгари ҳисобланган ҚҚСга тузатиш киритилди (1 150 / 115 x 15)	150	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	
Сотиб олувчи томонидан қайтарилган товар дебиторлик қарзи бекор қилинган ҳолда акс эттирилди, агар мазкур товар учун илгари ҳақ тўланмаган бўлса (1 150 / 1,15)	1 000	9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»
Илгари ҳисобланган ҚҚСга тузатиш киритилди (1 150 / 115 x 15)	150	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	
Сотиб олувчи томонидан қайтарилган товар кирим қилинди	800	2910-«Омбордаги товарлар»	9120-«Реализация қилинган товарларнинг таннархи»
Реализация қилишдан олинган даромадга тузатиш киритилди	1 000	9020-«Товарларни реализация қилишдан даромадлар»	9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши»

Қўшимча ҳисобварақ-фактура куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ҳисобварақ-фактура қўшимча эканлиги тўғрисида белги;
- қўшимча ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;
- тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;
- нархларга тузатиш киритиш миқдори (ижобий ёки салбий), етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолдаги қиймати;
- ҚҚС суммасига тузатиш киритиш миқдори (ижобий ёки салбий) (Низом 42-б., ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова);
- ҚҚС бўйича ҳисоботда (1-илова, АВ рақами 24.02.2020 йилдаги

3221-сон) бундай операция сиз томондан сотиб олувчига ёзиб берилган қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида бундай акс эттирилади:

- ҳисобварақ-фактура маълумотлари (салбий билан) Сотишлар реестрида (ҚҚС ҳисоб-китобига 5-илова) автоматик тарзда акс эттирилади;
- ҚҚСсиз реализация қилиш қийматига тузатиш киритиш суммасига (1 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 1-илованинг 0102-сатри 3-устунида реализация қилишдан олинган соф душумни камайтириш.

Буюртмачи унга кўрсатилган хизматни рад этганда ҚҚС бўйича солиқ базасига тузатиш киритиш ҳам худди шундай тарзда амалга оширилади.

Амалиётда бухгалтер ҳаммасини назорат қила олмайдиган вазиятлар ҳам бўлади, бунда импорт шартномаси тузилганлиги ҳамда соддалаштирилган тартибда солиқ тўлашдан ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиш мажбуриятлари эътибордан четда қолиб кетиши мумкин. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Масала юзасидан *buxgalter.uz* маслаҳат беради.

## ИМПОРТ ШАРТНОМА ТУЗДИНГИЗМИ – ҚҚС ВА ФОЙДА СОЛИҒИНИ ТЎЛАШГА ЎТИНГ

– Таъкидлаш жоизки, импорт қилувчилар ҚҚС ва фойда солиғини тўлашлар шарт, улар айланмадан олинандиган солиқни тўлашга ҳақли эмас (СК 462-м. 2-қ. 1-б.).

Бўлғуси ҚҚС тўловчи сифатида биринчи марта импорт шартнома

тузган бўлсангиз, даромад миқдоридан қатъи назар, ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишингиз шарт. Бунда нима олиб ўтилаётганлиги муҳим эмас, у хоҳ ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материаллар, хоҳ қайта сотиш учун товарлар ёки асосий воситалар бўлсин.



Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мол-мулк товар ҳисобланади (БК 13-м.). Импорт шартнома тузилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҚҚС тўлашга ўтишингиз лозим.

Вазиятни шартли мисолларда кўриб чиқамиз.

**1-МИСОЛ.** Айланмадан олинандиган солиқни тўловчи Ўзбекистон қурилиш компанияси пудрат шартномаси бўйича буюртмачи бўлган хорижий компания манзилига келган импорт материалларни божхонада тозалаш ишларини амалга оширади.

Айланмадан олинандиган солиқни тўловчи Ўзбекистон қурилиш компанияси пудрат шартномаси бўйича хорижий компанияга қурилиш хизматларини кўрсатади. Пудрат шартномаси доирасида пудратчи буюртмачи манзилига келган импорт материалларни божхонада тозалаш ишларини амалга оширади. Буюртмачи томонидан тузилган импорт шартномаси бўйича пудратчи юкни қабул қилиб олувчи бўлади. Буюртмачи пудратчига алоҳида инвойс бўйича божхона тўловларини қоплаб беради.

Мазкур вазиятда пудратчи импорт қилувчи ҳисобланмайди, шу сабабли у ҚҚС тўлашга ўтмайди.

БЮДда 8-устунда куйидагилар кўрсатилади:

- божхонада тозалашни амалга оширадиган юкни қабул қилиб олувчи – пудратчи;
- импорт қилувчи – буюртмачи. Бунда Божхона кодексига божхона тўловлари бошиқа шахс (импорт қилувчи бўлмаган) томонидан тўланиши тақиқланмаган (БК 295-м.).


**2-МИСОЛ.** Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи – айланмадан олинандиган солиқни тўловчи ўз эҳтиёжлари учун урувлар ва қишлоқ ҳўжалиги техникасини импорт қилади. Бунда унинг қишлоқ ҳўжалиги экинлари майдони 50 гектардан кам, жами даромади эса 1 млрд сўмдан ошмайди. Шунга қарамай, у импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҚҚС тўлашга ўтиши шарт.

### ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишни қандай расмийлаштириш керак

Айланмадан олинандиган солиқни тўлашдан ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиш учун *my.soliq.uz* даги солиқ тўловчининг шахсий кабинетига орқали ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишга аризани тўлдириш ва ДСИга юборинг. Буни ҚҚС ва фойда солиғи тўланадиган ойдан олдинги ойда амалга ошириш керак (СК 237-м. 3-қ., 462-м. 9-қ.; Низом, АВ рақами 3232, 2.05.2020 й.).

Ихтиёрий равишда айланмадан олинандиган солиқни тўлашдан воз кечилганда ҳамда ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтилганда қуйидаги муддатлардан кечиктирмай ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш учун ариза тақдим этилади:

- 31 январдан – февралдан айланмадан олинандиган солиқни тўлашдан воз кечилганда;



- 30 апрелдан – 1 майдан айланмадан олинандиган солиқни тўлашдан воз кечилганда;
- 31 июндан – 1 августдан айланмадан олинандиган солиқни тўлашдан воз кечилганда;
- 31 октябрдан – 1 ноябрдан айланмадан олинандиган солиқни тўлашдан воз кечилганда.

Дилором САИДОВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

- «Рақамли Ўзбекистон–2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМСИНИНГ ҚАРОРИ**
- «Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### «РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН–2030» СТРАТЕГИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ВА УНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

Мамлакатимизда рақамли иқтисодийётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграцияланган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорт ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи «Рақамли Тошкент» комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодийёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, бизнес ҳамжамияти ва илмий доиралар вакиллари ҳамда хорижий экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган «Рақамли Ўзбекистон–2030» стратегияси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Куйидагилар:

2020–2022 йилларда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш дастурлари 2–14-иловаларга\*\* мувофиқ;

2020–2022 йилларда тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари 15–21-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, 2020–2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида:

аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу

жумладан кенг полосали улашиш портларини 2,5 миллионгача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-тоғали алоқа линияларини қуриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78 фоиздан 95 фоизга етказилади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этилади;

587 минг нафар кишини, шу жумладан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилади;

иқтисодийётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилади;

ҳудудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари бириктирилади ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходими ахборот технологиялари соҳасида ўқитилади.

2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг 29 та намунавий туманларда (шаҳарларда) 2020 йилда ва 2021 йил I чораги якунига қадар рақамли трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи «Йўл харита»ларини 2а–14а, 2б–14б ҳамда 2в, 8в ва 12в-иловаларга\*\* мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги тақдирли маъқуллансин.

3. «Рақамли Ўзбекистон–2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштириш комиссияси) 22-иловага\*\* мувофиқ тарихида ташкил этилсин ва куйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Стратегия, ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари, «Йўл харита»ларида кўзда тутилган лойиҳа ва чора-тадбирларнинг тўлиқ ҳажмида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг ўз вақтида бажарилишини тизимли назорат қилиш;

ҳар ойда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари-

\*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 6.10.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Фармонга 2–26-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.



нинг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича режалаштирилган лойиҳалар ва чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ҳисоботларини тинглаш ҳамда уларнинг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш;

доимий мониторинг асосида электрон давлат хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятидаги функционал жараёнлар ва тартиб-таомилларни оптималлаштириш бўйича чоралар кўриш;

рақамли иқтисодиёт соҳасидаги янги лойиҳаларни кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш тўғрисида қарорларни қабул қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари ҳамда «йўл харита»ларига тайёрланган ва келишилган лойиҳа ҳужжатлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

4. Мувофиқлаштириш комиссияси (А. Арипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда бир ҳафта мuddатда 29 та намунавий туманларда (шаҳарларда) рақамли трансформация қилиш «йўл харита»ларини амалга ошириш бўйича қўйидагиларни назарда тутган ҳолда ҳудудий ишчи гуруҳларини шакллантирсин:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва ҳудудий бошқармаларнинг масъул раҳбарларини тегишли туманларга (шаҳарларга) бириктириш;

ҳар ўн куликда ишчи гуруҳлар томонидан қабул қилинган рақамли трансформация қилиш «йўл харита»ларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлиги ва жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг амалий аҳамиятини баҳолаш;

ихтисослаштирилган олий ўқув юртлири ва рақамли технологияларни ўқитиш марказлари негизда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъул раҳбарларини ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар 13 та намунавий туманларда (2а–14а-иловалар) IT-инфратузилмасини яратишни, компьютер ускуналари билан жиҳозлашни назарда тутган ҳолда мактабгача ва умумтаълим мактаблари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини рақамлаштиришни якунлаш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ахборот тизимларини жорий этиш ва масъул ходимларни ўқитишни ташкил этсин.

Белгилансинки, ушбу муассасаларни рақамлаштириш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва тасарруфидаги ташкилотларнинг ўз маблаглари ҳисобидан, етишмаётган қисмида эса – маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари 23-иловага\*\* мувофиқ бириктирилган ҳудудлар ва тармоқларга илгор технологиялар ва IT-очимларни трансфер қилишда, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун етакчи компанияларни жалб қилишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатадилар.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб инвестиция лойиҳалари ҳамда жалб этилаётган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар маблаглари умумий миқдорининг

5 фоиздан кам бўлмаган қисми «рақамли» компонентларга йўналтирилишини кўзда тутиш.

8. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2020–2022 йилларда «Рақамли Ўзбекистон–2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харита»си 24-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин:

а) электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича:

2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба тариқасида «Рақамли Тошкент» комплекс дастури доирасида жисмоний шахсга идентификация ID-картасини беришда давлат органлари ва ташкилотлари билан узвара электрон муносабатларни йўлга қўйиш учун унинг шахсий кабинети шакллантирилади;

2021 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат харидларини амалга ошириш, патентлар, дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатга олиш, жамоат транспорти ҳаракати, ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқа умумфойдаланишдаги статистик маълумотлар онлайн режимда жойлаштириб борилиши таъминланади;

2021 йил 1 августдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга барча белгиланган давлат божлари, йигимлар, жарималар ва бошқа мажбурий тўловларни электрон тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда онлайн режимида тўлаш имконияти тақдим этилади;

б) рақамли индустрияни ривожлантириш бўйича:

2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти макomini ахборот технологияларига ўқитиш, аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, робото-техника, Интернет тармоғи орқали ахборот хизматларини экспорт қилиш, шунингдек, маълумотларни сақлаш ва ҳисоблаб қайта ишлаш соҳасида хизмат кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган юридик шахслар олиши мумкин бўлади;

2022 йил 1 январга қадар масофадан кредит маҳсулотларини реализация қилиш, омонатлар ва ҳисобрақамларни очиниши ўз ичига олган кенг турдаги онлайн хизматлар кўрсатишни таъминлаш орқали тижорат банкларининг рақамли трансформацияси якунига етказилади;

в) рақамли таълимни ривожлантириш бўйича:

2021 йил 1 январдан бошлаб фуқаролар томонидан тизим бошқаруви, маълумотлар базаси ва «булутли» платформани бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисmini қоплаш тизими жорий этилади;

2021 йил 1 сентябрга қадар ҳар бир туман ва шаҳарда мавжуд инфратузилма объектлари негизида кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ва аёллар учун рақамли технологиялар ўқув марказлари очилади;

2023 йил якунига қадар барча туман ва шаҳарларда ўқувчиларнинг ижодий ривожланиши ва компьютер дастурлаш асосларини ўрганиши учун мавжуд таълим муассасалари негизида 200 дан ортиқ информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириш ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади;

г) рақамли инфратузилмани ривожлантириш бўйича:

2022 йил якунига қадар ҳар бир аҳоли пункти 10 Мбит/сдан кам бўлмаган маълумотларни узатиш тезлигидаги Интернет тармоғига улашиш имконияти билан таъминланади;

2022 йил 1 январга қадар барча машур сайёҳлик жойлари юқори тезликдаги Интернет билан таъминланади.

9. Белгилансинки, 2023 йилдан бошлаб, Стратегия зришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар ҳамда тегишли давр учун рақамли технологияларини янада ривожлантиришининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, Вазирлар



Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланадиган икки йилга мўлжалланган дастурлар асосида амалга оширилади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйдагиларни назарда tutuvчи барча учун очiq бўлган маҳаллий дастурий маҳсулотлар ва IT-хизматлар электрон маълумотларни яратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

маҳаллий IT-компаниялар ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларнинг маҳсулотлари ва хизматларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илгари суришда қўмақлашиш;

давлат органлари ва ташкилотларида ахборот тизимлари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича режалаштирилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумотларни эълон қилиш;

мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг амалий масалаларини ҳал қилиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида самарали ва очiq мулоқотни йўлга қўйиш.

11. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб ёпиқ биноларда алоқани ташкил этиш мақсадида мобил алоқа операторлари учун ажратилган радиочастота доирасида 500 мВт дан ошмайдиган қувватда ишлайдиган база станцияларидан фойдаланишга рухсатномани расмийлаштириш бўйича талаблар (таснифланган объектлар яқинида ўрнатилмаган мобил алоқа база станциялари бундан мустасно) бекор қилинсин.

12. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб мобил алоқа операторлари учун:

телекоммуникация қурилмалари ва иншоотларининг қурилиш-монтаж, реконструкция, синовдан ўтказиш ва интеграция қилиш ишларини якунлаш ҳамда тижорат мақсадида фойдаланишни йўлга қўйиш, шунингдек, телекоммуникация қурилмалари ва иншоотларининг конструкциясини ўзгартириш, мавжуд қурилмалардаги ҳамда телекоммуникация линиялари ва иншоотларидаги ускуналарни кенгайтириш бўйича хабардор қилиш тартиби жорий этилсин;

радиоэлектрон қурилмалар, асбоб-ускуналар ва бошқа қурилмаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш рухсатномасини, сотиб олиш, ўрнатиш, лойиҳалаш ва қуриш учун рухсатнома олмастан, белгиланган тартибда расмийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг мазкур вазирликлар ва уларнинг тасарруфидаги ташкилот ва бўлинмалар негизида қуйдагиларни назарда tutuvчи «Рақамли идора» лойиҳасини амалга ошириш бўйича таклифга розилик берилсин:

а) 2022 йил 1 январга қадар:

қоғозсиз электрон ҳужжат алмашинуви ва иш юритишни ташкил қилган ҳолда барча маъмурий тартиб-таомилларни ва операцион жараёнларни рақамлаштириш;

фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлиги ҳамда аҳоли пунктларида давлат хизматларидан фойдаланишнинг кафолатланганлигини таъминлаш;

идоралараро электрон ҳамкорлик жараёнларини автоматлаштириш;

б) «Рақамли идора» лойиҳасини амалга оширишнинг амалий тажрибасини бошқа давлат органлари ва ташкилотларида уларнинг фаолияти хусусиятиридан келиб чиққан ҳолда жорий этиш.

14. Электрон ҳукумат имкониятларини янада кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча қулайликларни яратиш ҳамда рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

Электрон давлат хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 25-иловага\*\* мувофиқ;

Давлат божи, йиғим, жарима ва бошқа тўловларни тўлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 26-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда мазкур Фармонга 25 ва 26-иловаларда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

15. 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига рақамлаштириш бўйича ўринбосар (Chief Digital Officer) ваколатлари юклатилсин ва қуйдагилар уларнинг устувор вазифалари этиб белгилансин: ахборот тизимлари ва ресурсларини кенг жорий этишни назарда tutuvчи идоравий рақамли трансформация дастурларини ишлаб чиқиш ва ўз вақтида амалга ошириш;

электрон давлат хизматларини мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали кўрсатишни янада кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш; идоралар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, Интернет тармоғида очiq маълумотларни ва бошқа ахборотларни жойлаштириб бориш бўйича чоралар кўриш; идоравий рақамли инфратузилманинг ахборот хавфсизлигини, шунингдек, электрон маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳимоясини таъминлаш.

Рақамлаштириш бўйича ўринбосарларнинг тегишли йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юклатилсин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясида кўзда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида ва кенг қўламда амалга оширилишини таъминлаганлиги, шунингдек, ахборот технологиялари ва электрон хизматларни жорий этишни рейтинг баҳолаш натижаларига кўра вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига ҳар ойда уларнинг ойлик маошига 30 фоиз миқдоридида устама тўланади.

Раҳбарлар ва уларнинг рақамлаштириш бўйича ўринбосарларига ойлик устама тайинлаш тўғрисида қарор Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг хулосаси асосида қабул қилинади.

17. Инновацион ривожланиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларида илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларнинг мақсадли дастурларини Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашига тасдиқлаш учун киритиб борсин ҳамда ушбу соҳада алоҳида эътиборни қуйдагиларга қаратсин:

ахборот технологиялари соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб бориш;

истиксодиёт тармоқларида виртуал ва тўлдирилган реаллик, сунъий интеллект, криптография, машина ўрганиши, катта маълумотларни таҳлил қилиш ва «булутли» ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;

истиксодиёт инновацион ишланмалар ва стартап-лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уларни тижоратлаштириш ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш.

Белгилаб қўйилсинки, мақсадли дастурларни молиялашти-



риш харажатлари илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

18. Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида bajarилганини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг куйидаги тартиби ўрнатилсин:

а) вазирилик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарлари – ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ушбу Фармон билан тасдиқланган Стратегия, дастурлар ва «йўл харита»лари ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар;

б) ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Садиқов:

масъул вазирилик ва идоралар фаолиятини идораларо мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш ҳолатини баҳолайди ҳамда мунтазам равишда рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этади;

ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу Фармон билан тасдиқланган Стратегия, дастурлар ва «йўл харита»лари ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурлари ижроси тўғрисида умумлашган таҳлилий маълумотларни Вазирилик Маҳкамасига киритади;

в) Ўзбекистон Республикаси Бош вазинининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион

фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.Умаров:

Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан тизимли назоратни ташкил этади, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишларида масъул вазирилик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолиятини танқидий қўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарларининг фаолияти натижадорлигидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ёки интизомий, шу жумладан эгалаб турган лавозимидан озод қилишга ҳолдан чораларни қўриш бўйича таклифларни киритади.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича ишларни ташкил этсин.

20. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирилик Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юксалин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 5 октябр  
ПФ-6079-сон.

ЎзР Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

## «РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН-2030» СТРАТЕГИЯСИ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

«Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) иқтисодийёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарув тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодийёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингига белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

### 2-БОБ. РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ ВА УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

#### 2.1. Рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Рақамли инфратузилмани ривожлантириш мақсадида куйидаги тадбирлар амалга оширилади:

оптик толали алоқа линиялари, халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш ва ривожлантириш орқали минтақавий ва халқаро телекоммуникация тармоқларининг, Ўзбекистон Республикасининг чегарадош Марказий Осиё давлатлари билан транзит алоқаларининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириб бориш;

тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, резервлаш, тизимларнинг ишончилигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни кенг полосали хизматлардан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш учун маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш;

мобил ва йўлдош алоқа операторларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришнинг қўшимча механизмларини яратиш;

мобил алоқа тармоғини 4G ва 5G технологияси бўйича ривожлантириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларини бешинчи авлод алоқа тармоғи билан босқичма-босқич қамраб олиш;

барча аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни оптик ва мобил кенг полосали хизматлардан фойдаланиш тармоқлари билан қамраб олиш;

автоматизираль ва темир йўллари, туристик объектларни мобил алоқа тармоқлари билан қоплашни таъминлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланish тарифларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш;

географик жойлашувидан қатъи назар, фуқароларнинг ўсиб бораётган ахборотга эҳтижларини қаноатлантириш учун кенг полосали симсиз ва мобил технологияларни янада ривожлантириш;

истеъмолчиларга телевизион сигнални узатиш, ер усти телевизион эшитириш, кабель телевидениеси, IP-телевидение, маълумотлар узатиш тармоқлари, мобил алоқа, Интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда телерадиозитириш, телевизион ва радио хизматларининг барча турларини тўлиқ қамраб олган ҳолда рақамли эшитиришни такомиллаштириш;



«булутли» ҳисоблашлар асосида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ривожлантириш, фойдаланувчи талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурсларига доимий уланишни таъминлаш;

бозорнинг эркин ривожланиши имкониятини сақлаб, телекоммуникация соҳасини ривожлантириш учун шaroитларни яхшилаш, бизнес юритиш ва телекоммуникация инфра-тузилмасини ривожлантириш учун маъмурий тўсиқларни қайта тизимлаштириш;

электрон ҳукумат доирасида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун барча давлат органлари, уларнинг таркибий ва худудий бўлинмаларини идораларо маълумотлар узатиш тармоғига уланиш ҳолда ушбу тармоқни ривожлантириш;

мамлакатимиз ҳудудида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш ва электрон давлат хизматларининг фойдаланувчанлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш ва электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида «хизмат сифатида дастурий таъминот», «хизмат сифатида платформа», «хизмат сифатида инфратузилма» технологияларини кенг жорий этиш;

шаҳар инфратузилмасини бошқаришда рақамли технологияларни жорий этиш орқали транспорт логистикаси, шаҳар инфратузилмаси, шаҳар муҳитининг сифати, шаҳар ривожланишини бошқариш самардорлиги, жамоат, бизнес ва яшаш жойлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳар лойиҳаларини илчил амалга ошириш;

кенг поласали уланишни ривожлантиришнинг технологик асоси истеъмолчиларга асосий ва қўшимча хизматларни, шу жумладан технологик жараёнларни автоматлаштириш хизматларини, аҳолининг ҳаётини қўллаб-қувватлашда ақлли тизимларни жорий этишнинг бир қисми сифатида индивидуал инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга босқичма-босқич киришни таъминлаш учун ягона инфратузилма ёрдамида мультисервис тармоқларини ривожлантириш;

мавжуд алоқа (симсиз ва оптик), симли ва симсиз алоқа технологиялари ва тизимлари, шунингдек, янги географик ахборот ва навигация тизимларининг самарадорлигини ошириш йўлларини ўз ичига олган алоқа ва навигация технологияларини ривожлантириш;

алоқа операторлари ўртасида рақобатни ривожлантириш учун зарур шарт-шaroитларни яратиш.

## 2.2. Электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Электрон ҳукуматни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

мамлакат миқёсида сифатли ва талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини янада кенгайтириш, босқичма-босқич барча давлат хизматларини рақамли шаклга ўтказиш, шу жумладан кўрсатилмаётган автоматлаштирилган хизматлар улушини 2022 йилга қадар 60 фоизга етказиш;

электрон ҳукумат ахборот тизимларини ишлаб чиқишда ягона технологик ёндашуви таъминлаш, шу жумладан очик қодли дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда давлат органларининг идоравий тизимларини ишлаб чиқиш харажатларини қисқартириш;

истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда очик давлат маълумотларини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, «очик маълумотлар»га асосланган давлат мобил иловалари ва дастурлари улушини ошириш;

давлат маълумотларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш орқали давлат бошқарувида маълумотларни

тўплаш ва рақамлаштириш учун керак бўлган барча ресурсларни яратиш орқали асосланган қарорларни қабул қилишни автоматик равишда шакллантириш;

давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш, шу жумладан маъмурий тартиб-таомилларини автоматлаштириш орқали талаб қилинган маълумотлар ва ҳужжатларнинг сонини қисқартириш;

лицензиялар ва рухсатномалар бериш билан боғлиқ барча тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва уларни реал вақт режимида ишловчи электрон шаклга ўтказиш;

электрон ҳукумат тизими доирасида электрон давлат хизматларидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун шахсини масофадан тасдиқлашнинг қўшимча шакл ва усулларини жорий этилишини назарда тутувчи рақамли идентификация-лашни ривожлантириш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон ҳукумат тизимлари орқали юридик аҳамиятга эга бўлган ахборот етказиш ва хабардор қилиш имкониятини;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва ташкилотларига муурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини онлайн режимида кузатиш самарали тизимларини («трекинг») жорий этиш;

давлат органларининг фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш;

аҳолининг тақлифлари ва мулоҳазаларини, шунингдек, аҳоли фикри асосида амалга оширилаётган лойиҳалар улушини оширишни ҳисобга олган ҳолда қўнғун ҳужжатлари лойиҳаларини онлайн тарзда муҳокама қилишда фуқаролар ва тадбиркорлар иштирок этиши механизмни янада такомиллаштириш;

давлат органлари ва бошқа субъектларнинг барча хизматлари учун божлар, йигимлар ва бошқа тўловларни онлайн тўлаш ва навбатларни автоматлаштириш ахборот тизимлари комплексларини яратиш;

архив ҳужжатларини рақамлаштириш ва давлат хизматларини кўрсатиш ва очик маълумотларни шакллантириш доирасида зарур бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаларида маълумотларни шакллантириш;

идоравий ва идораларо ахборот тизимларини, электрон ҳукумат хизматларини кўрсатувчи давлат органларининг ахборот ресурсларини, марказий маълумотлар базаларини хавфсиз сақлаш ва уларнинг интеграциясини таъминладиган, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг турли ахборот тизимларидаги турли тарқоқ ҳамда тақрорий маълумотларни кейинчалик таҳлилий қайта ишлаш имкониятини яратадиган Электрон ҳукуматнинг маълумотларини қайта ишлаш марказини яратиш;

жамият ҳаётининг барча жабҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, шу жумладан қуйидаги йўналишлар бўйича рақамли инфратузилмани шакллантиришни ва электрон ҳукумат ахборот тизимларини кенг жорий қилишни янада жадаллаштириш;

соғлиқни сақлаш, бунда тиббиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва электрон хизматларни тақдим этишни ҳисобга олган ҳолда миллий интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш;

таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўлланган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш;

меҳнат фаолияти ва аҳоли иқтисодий таъминотини тартибга солиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

аҳолига ахборот-коммуникация технологияларини жорий



этиш орқали уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини таъбиқ этиш орқали қурилиш соҳасида шаффофлик ва сифатни ошириш тизимини йўлга қўйиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қишлоқ ҳўжалигида ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш тизимини ташкил этиш;

электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга etkaziш, углеводород хом ашёсини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга etkaziш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларини таъбиқ этиш орқали тўлиқ назорат этиш тизимини йўлга қўйиш;

очиқ маълумотларга қулай киришни таъминлаш учун давлат идораларига API-ларни ишлаб чиқаш ва тақдим этиш.

### 2.3. Рақамли иқтисодийнинг ривожлантиришининг устувор йўналишлари

Иқтисодийнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

саноат корхоналарида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш дастурларини ушбу корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш дастурлари билан уйғунлаштириш;

корхона таъминотининг барча босқичларини автоматлаштириш ва бошқаришни таъминлаш, шунингдек, бу орқали логистика ва харид жаражатларини қисқартириш;

замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларнинг таннархини, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни камайтириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини ошириш;

инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ишчи жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

савдо ҳажмини ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабат механизмларини такомиллаштириш;

бошқарув маълумотларини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини, жумладан, реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш орқали такомиллаштириш;

2025 йилда корхона ресурсларини бошқариш тизимини (ERP) жорий қилган йирик ҳўжалик юритувчи субъектларнинг улушини 90 фоизга etkaziш;

саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, «Интернет буюмлар», «сунъий интеллект» каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилга келиб, аппарат қисмини эса 2030 йилга келиб давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллийлаштириш;

коммунал хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни бошқариш учун смарт технологияларни жорий қилиш, интеллектуал сервисларни жорий қилиш ва коммунал хизматларни тартибга солиш учун «ақли уй» тақрибасини жорий этиш;

2022 йилда республиканинг барча йирик шаҳарларида жамоат транспортларида йўл ҳақи тўлашининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва нақд пулсиз тўловлар улушини 90 фоизга etkaziш;

ҳар қандай йўловчи транспортда чипта сотиб олиш учун ягона платформани яратиш;

корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали сотиш бозорларини кенгайтириш;

транспорт тизимини комплекс ривожлантириш учун дастурий моделлаштириш тизимларидан фойдаланиш механизмларини амалга ошириш;

сугурта тизимини рақамлаштириш учун давлат-хусусий шериклик асосида рақамли сугуртани амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқаш ва жорий этиш;

логистика тизимини такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида рақамли логистика тизимига босқичма-босқич ўтиш;

иқтисодийнинг реал секторларида роботлаштирилган саноатни ривожлантириш ва амалга ошириш;

йирик саноат корхоналари учун робототехника ва муҳандислик ихтисосликларини ташкил этиш;

ишлаб чиқариш корхоналарида аддитив (қаватма-қават қуриш ва синтез қилиш технологияси, 3D ўлчамда босиб чиқариш) технологияларини кенг жорий этиш.

Электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан мижозларни масофадан аниқлаш тизимларини жорий этиш орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш;

ҳалқаро электрон тижорат стандартлари ва замонавий ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун электрон тижоратни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, мавжуд стандартлар ва электрон тижорат қоидаларини такомиллаштириш ва янгилаш;

рақамли инфратузилмани ривожлантириш, мобил ва симли Интернет жаҳон ахборот тармоғи қамрови ва тезлигини янада ошириш орқали электрон тижорат платформаларига шахсий рақамли ускуналардан уланмиш имкониятлари ва қўламларини ошириш;

электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, электрон ҳукумат хизматларини тақдим этишда тўловларни қабул қилиш ва қайта ишлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий ва молия соҳасида ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш;

электрон тижоратнинг ривожига муҳим рол ўйнавчи почта ва логистика инфратузилмасини модернизациялаш ва техник янгилашни таъминлаш, логистика марказларини (фулфилмент) яратиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологияларини ва почта алоқаси объектларида автоматлаштирилган тизимлар жорий этиш, шунингдек, почта ва логистика хизматлари сифатини ошириш;

жисмоний шахсларга Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали товарлар ва хизматлар учун тўловларни тўлашни ташкил этиш жараёнини осонлаштиришга имкон берадиган тўловлар агрегаторларини ривожлантириш;

трансчегаравий электрон тижоратни ривожлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини қулай ва ўз вақтида экспорт қилишни таъминлаш;

битта савдо майдончасида кенг қўламли банк ва банкдан ташқари молиявий хизматларни (қимматли қоғозлар билан операциялар, сугурта ва бошқалар) тақдим этишга йўналтирилган молиявий супермаркетларнинг бизнес моделини яратиш;

тижорат банклари томонидан мижозларга масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, банк-мижоз, смс-банкнинг ва бошқалар), шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш қўламини ва сифатини ошириш;

электрон тижорат соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш,



мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу жумладан чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматлар учун тўловларини QR тўловлари технологияси ва NFC технологияларини жорий қилиш, жумладан мобил қурилмалар орқали тўловларини қабул қилиш орқали замонавий ва қўлай бўлган масофавий усулларда қабул қилиш имкониятини яратиш;

давлат сектори, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хусусий сектор ўртасидаги яқин ҳамкорликда электрон тижорат ва рақамли тўлов платформаларини ривожлантириш ва кенгроқ фойдаланишга қўмаклашиш.

#### **2.4. Рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Рақамли технологиялар миллий бозори учун қўлай муҳитни яратиш ва истиқболли «рақамли» стартапларни ривожлантириш мақсадида қўйдаги тадбирлар амалга оширилади:

технопарклар ва коворкинг марказлари фаолиятини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш орқали замонавий рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган дастурий маҳсулотлар ва хизматларни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг бизнес амалиётига таъсири ва янги рақамли хизматлар ёки маҳсулотлар пайдо бўлиши таъсирини ҳисобга олган ҳолда қўнуччилик базасини такомиллаштириш механизмларини шакллантириш;

миллий стартапларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва ахборот технологиялари соҳасида янги иш бошлаётган корхоналар ва кичик корхоналарга, жумладан венчур молиялаштириш орқали қўмаклашиш;

маҳаллий дастурий маҳсулотлар бозори ривожланиши учун шариот яратиш, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш орқали янги инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва уларни кейинчалик амалга ошириш;

ташқи бозорда маҳаллий технология ва дастурий маҳсулотларга бўлган талабни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

интеллектуал мулкни рўйхатдан ўтказиш, устав капиталида интеллектуал мулкни кўрсатиш имкониятини яратиш билан боғлиқ тартиботларни соддалаштириш;

венчур экзитимларнинг ривожланишини соддалаштириш учун «регулятив қўмон»ни яратиш;

транспорт жараёнларини режалаштиришда аҳолининг ҳаракатчанлигини аниқлаш учун (мафҳий маълумотдан ташқари) туриз хизматлардан (мобил алоқа операторлари маълумотлари, иловалар ва бошқалар) маълумотларни жамлаш бўйича ягона платформани жорий этиш;

ахборот технологиялари соҳасидаги стартап ва тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш тизимининг муқобил механизмларини жорий этиш;

инновацион гоғлар, стартаплар ва венчур лойиҳаларини молиялаштириш тизимининг барқарор занжирини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш;

ахборот технологиялари соҳасида янгидан иш бошлаган ва кичик корхоналарга стартап-лойиҳаларни амалга оширишда, инновация фаолияти натижаларини инвестицияларни жалб қилган ҳолда қўмаклашиш;

спортчиларни компьютер спорт турлари бўйича, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўқитиш учун компьютер спорт марказлари (профессионал клублар) тармоғини яратиш;

компьютер ўйинлари саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, хорижий инвестицияларни маҳаллий IT-маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва рағбатлантиришга жалб қилиш, ушбу соҳадаги малакали мутахассисларни танлаб олиш ва тайёрлаш;

ахборот технологиялари соҳасида аутсорсинг хизматлари бозорини ривожлантириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шариотларни яратиш;

лойиҳа бошқарувиغا ўқитишни жорий этиш, шунингдек, стартап-лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи инкубация ва акселерация марказлари фаолиятини ташкил этиш орқали ахборот технологиялари соҳасидаги олий таълим сифатини ошириш;

IT-паркнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарини очиш орқали маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларнинг манфаатларини ифодалаш ҳамда уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илгари суришда қўмаклашиш;

ҳар томонлама таҳлилни ва амалий тадқиқотлар асосида рақамлаштириш жараёнларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини баҳолаш ва келгусида мамлакат иқтисодиётининг рақамли трансформациясини кенгайтириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

ахборот технологиялари соҳасида тижоратлаштириш салоҳияти баланд бўлган юқори технологик маҳсулотлар яратилишига йўналтирилган илмий-тадқиқот ишланмалари ишлаб чиқишини ривожлантириш;

IT-парк асосида илгор технологиялардан (Big Data, IoT, AI блокчейн ва бошқалар) фойдаланган ҳолда устувор тармоқлар учун «ақлли ечимлар»ни ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

бизнес корхоналари, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар ўртасидаги ҳамкорликка асосланган юқори технологияли тадбиркорлик марказлари ва кластерларини яратишга қўмаклашиш;

#### **2.5. Ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишлари**

Аҳолининг барча қатламларида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қўйдаги тадбирлар амалга оширилади:

ёшлар орасида ахборот технологияларини оммалаштириш, шунингдек, аҳолининг барча қатламлари орасида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;

кекса ва ўрта ёшдаги аҳолига Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлаш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан ва бошқа технологиялардан фойдаланиш бўйича кўникмаларни ўз ичига олган компьютер савдоҳонлиги курсларини ташкил этиш;

ахборот технологиялари соҳасида масофавий, онлайн ва виртуал ўқитиш технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, онлайн курслар учун платформалар ишлаб чиқиш;

рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали кадрлар авлодини шакллантириш мақсадида умумтаълим мактаби ўқувчиларига дастурлашни ўргатиш учун шариот яратиш;

аҳоли ўртасида рақамли кўникмаларни ривожлантириш соҳасида йирик IT-корхоналарни жалб қилган ҳолда давлат хусусий шериклик механизмларини ташкил этиш;

вилоят ва шаҳарларда рақамли кўникмалар даражасидаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида иختисослаштирилган ўқув марказларини ташкил этиб вертикал бошқарув ўқув модели тизимини туман ва шаҳарлар даражасида (IT-парк филиали-ўқув маркази-мактаб) жорий этиш;



рақамли кўникмаларга эга бўлган аҳоли улушини ошириш мақсадида юқори малакали мутахассислар иштирокида бепул онлайн курсларни ташкил этиш;

фуқароларнинг рақамли иқтисодиёт соҳасида билим даражасини мустақил баҳолаш, шу жумладан бошланғич билим даражасини бепул баҳолаш онлайн ресурсларни ташкил қилиш;

аҳоли ўртасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун «Бир миллион дастури» лойиҳасини амалга ошириш.

Давлат бошқарувида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

давлат хизматчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўникмалари ва малакаларини ошириш механизмини ривожлантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;

иқтисодиётнинг реал секторида рақамлаштиришнинг истикболли соҳаларида янги ютуқлар мувожамаси бўйича тадбирларни (форумлар, семинарлар, конференциялар ва бошқалар) ўтказиш;

иқтидорли IT-мутахассисларини ўқитиш, қўллаб-қувватлаш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда мамлакатдан иқтидорли қатламнинг чиқиб кетиши олдини олиш учун уларнинг ривожланишига имконият яратиш;

рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш ва бунда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш: ахборот саводхонлиги (қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни топиш қобилияти); компьютер саводхонлиги (рақамли курилмалар билан ишлаш қобилияти); медиа саводхонлиги (оммавий ахборот воситаларини танқидий ўрганиш имконияти); коммуникатив саводхонлик (замонавий рақамли алоқа воситаларидан фойдаланиш қобилияти); технологик инновацияларга (янги технологияларга) ижобий муносабатни шакллантириш;

таълим тизимида ҳар бир таълим даражаси учун рақамли иқтисодиётнинг асосий ваколатларига қўйиладиган талабларнинг шаклланиши ва жорий этилиши, (ваколатлар моделини ҳисобга олган ҳолда) уларнинг узлуксизлигини таъминлаш;

давлат органлари ходимларини малакасини ошириш учун замонавий таълим технологияларидан ва ходимларнинг малакасини баҳолашнинг янги механизмларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш бўйича ягона электрон платформани яратиш;

давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари рақамли ривожланиш бўйича ихтисослаштирилган бўлинмаларининг масъул ходимлари билан ишлаш механизмини такомиллаштириш, шу жумладан рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадларига эришишга асосланган моддий рағбатлантириш тизимини (КРП) жорий этиш;

рақамли иқтисодиёт, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ходимларни минимал маълумот даражаси ва касблар малакаси нуктаи назаридан ходимларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификаторига риоя қилмасдан жалб қилиш.

Таълим соҳасида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

таълим погонасининг бошланғич босқичида ўқувчиларга рақамли технологияларни тақдим этиш орқали рақамли кўникмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш, таҳлилий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, келажақда зарур бўладиган кенг қўламли рақамли трансформация шароитида ёшларга билим ва кўникмалар бериш;

ягона масофавий таълим платформасини келажақда таълимнинг барча йўналишларида татбиқ этиш мақсадида яратиш ва амалга ошириш;

ўқувчилар учун рақамли технологиялардан фойдаланишнинг умумий даражасини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларининг асосий ўқув дастурларига доимий ўзгантиришлар киритиш;

технологик касблар ва инновацион фаолият соҳасида ўқишни ташкил этишга қаратилган юқори самарали халқаро амалиётни таълим тизимига жорий этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ йўналишда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари битирувчилари сонини, ахборот технологиялар соҳасида ўртача даражада компетенцияга эга бўлган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ошириш;

ахборот технологиялар соҳасидаги ташқиловларнинг ўқув жараёнларга қатнашишини рағбатлантириш орқали умумтаълим мактабларда информатика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаларида тегишли соҳаларда «Интернет буюмлар», робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий корхоналарни ушбу соҳага жалб қилишни ташкил қилиш;

қоғоз шаклидаги материалларни рақамлаштириш форматларидан фойдаланиш бўйича давлат ягона талабини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш орқали таълимда ўқув материалларини рақамлаштириш;

рақамли технологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва рағбатлантириш, уларнинг ташқилий механизмларини такомиллаштириш;

гоялар ва янги технологиялар яратишни тарғиб қилувчи республика танловлари ва тадбирларини (хакатонлар, конкурслар, олимпиадалар ва бошқалар) ўтказиш;

янги қидириш тизимларини яратиш йўналишини ишлаб чиқиш ва аниқлаш, шу жумладан аудио ва видео материалларни излаш ва аниқлаш учун ечимлар, ахборотни қидириш ва олишда семантикадан фойдаланиш, машинавий таржима тизимидаги янги технологиялар, шунингдек, машинавий ўқитишнинг янги алгоритмлари ва технологияларини ривожлантириш;

катта ҳажмдаги маълумотлар тўпламини таҳлил қилиш ва билимларни тўплаш бўйича, шу жумладан катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва интеллектуал таҳлил қилишнинг янги усуллари ва алгоритмларини, катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш учун янги усуллари ва дастурлар, шу билан бирга мураккаб муҳандислик ечимларини башоратли моделлаштириш учун янги усуллари ва дастурий таъминотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

хатоларга чидамлилигини ошириш ва тизим элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш учун янги юқори даражали ҳисоблаш ва маълумотларни сақлаш тизимларини, шу жумладан параллел ҳисоблашнинг янги алгоритмларини, янги суперкомпьютер технологияларини ва дастурларини, янги алоқа технологияларини ва ўзаро таъсир протоколларини яратиш, шунингдек, тизим элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш, юқори самарали ва ишончли маълумотларни сақлаш тизимлари учун янги дастурлар яратиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш;

робототехника комплекслари ва одамлар ўзаро таъсири-нинг алгоритмларини ишлаб чиқиш, маълумотлар узатиш тармоқлари инфратузилмасини, ўрнатилган сенсорлар ва сенсор тармоқларини такомиллаштириш, шунингдек, «булутли» хизматларини тақдим этишнинг турли хил моделларини амалга ошириш учун дастурий таъминот яратиш бўйича илмий ишларни олиб бориш;

халқаро йирик корхоналарнинг марказлари билан ҳамкорликда рақамлаштириш йўналишидаги илмий кадрлар малакасини ошириш механизминини татбиқ этиш;



мактабгача, ўрта ва олий таълим тизими учун электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;

инсон капиталини ривожлантириш, шу жумладан, ихтисослашган таълимни ривожлантириш ҳамда IT-соҳасидаги касбларни омаллаштириш, IT-корхоналар учун институционал шароитларни яхшилаш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш;

аёлларга ва ногиронларга рақамли кўникмаларни ўргатиш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатиш;

мактаб ва мактабгача таълим тизимига рақамли трансформация ва янги технологиялар бўйича инновацион ўқув дастурларини жорий этиш;

электрон хизматларга аҳоли ишончини шакллантириш ва аҳолининг тез ривожланаётган рақамли имкониятларидан фойдаланиш юзасидан зарур кўникмаларни шакллантириш бўйича самарали чораларни қўриш;

ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда, технология ҳаётини муҳим масалаларни ҳал қилиш, ўқитиш, иш қидириш ва тadbиркорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган мавзуларда мунтазам равишда таълим кампанияларини ўтказиш;

одамларни ҳукумат ва бизнес томонидан тақдим этиладиган рақамли хизматлардан фойдаланишга қорлаш.

### 3-БОБ. СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қўйидаги натижаларга эришиш режалаштирилган (мақсадли кўрсаткичлар иловада):

юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот ва мобил алоқа тармоқларидан сифатли, хавфсиз, арзон ва оқилона фойдаланиш;

алоқа ва телекоммуникацияларнинг очиқ ва рақобатбардош бозори;

барча ижтимоий объектларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминлаш;

республика бўйлаб оптик толали алоқа тармоғининг узунлигини кенгайтириш;

аҳоли пунктларини юқори тезликдаги алоқа технологиялари (4G ва б.) билан қамраб олиш даражасини ошириш; шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги рақамли тафовутни камайтириш;

электрон ҳукуматни ривожлантириш халқаро рейтингда энг ривожланган мамлакатлар қаторига кириш;

электрон давлат хизматлари улушини ошириш;

электрон давлат хизматларига ишончни мустаҳкамлаш, аҳолининг давлат органлари билан хавфсиз ва осон ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

давлат, бизнес ва аҳолининг эҳтиёжларига қараб, ҳисоблаш қувватини самарали тақсимлаш ва ундан фойдаланиш;

республика бўйлаб коммунал соҳада электрон ҳисоблагичлар улушини ошириш;

анъанавий қоғоз ёки электрон ҳужжатга нисбатан электрон ёзувнинг устунлиги;

дастурий маҳсулотларнинг экспорт ҳажминини кенгайтириш; IT-паркда резидентлар сонини ошириш;

инвестиция муҳитини яхшилаш, ахборот технологиялари соҳасида инвестициялар самарадорлигини ошириш;

аҳолининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш; аҳолининг барча қатламлари учун ахборот технологиялари соҳасида таълим олиш бўйича кенг имкониятларининг мавжудлиги;

ахборот технологиялари соҳасидаги профессионал кадрлар захирасининг, шу жумладан бошқарув кадрлари захирасининг мавжудлиги;

IT-йўналиши бўйича олий таълим муассасалари битирувчилари сонини ошириш;

республиканинг барча туманларида (шаҳарларида) рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этиш.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING QARORI

### КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ТУФАЙЛИ ЮЗАГА КЕЛГАН ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТДА ТУРИЗМ СОҲАСИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ Тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қўйидагилар:

Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ;

Туризм соҳасининг алоҳида субъектлари фаолияти билан боғлиқ харажатларни қисман компенсация қилиш ва ҳўжалик субъектларининг эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган харажатларини қоплашнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низоми 2-иловага\*\* мувофиқ;

Туризм ва ёндош инфратузилма объектлари ҳамда туристик хизматларни санитар-гигиена жиҳатдан хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низоми 3-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Хавфсиз туризм жаамгармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми 4-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида туристик зоналарга автотранс-

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.10.2020 йилдан қўлдан кўчга кирди.

\*\*Қарорга 2–5-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Notus» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.



порт воситалари билан кириш учун йиғинми ундириш тартиби тўғрисидаги низоми 6-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ туризм соҳаси субъектларининг кредитлари бўйича фоииз харажатлари, истисно тарикасида, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 28-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низоми асосида қуйидаги ҳажм ва шартларда компенсация қилинади:

жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан олдин берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг фоииз харажатлари тўлиқ ҳажмда;

жойлаштириш воситаларини қуриш учун туризм соҳаси субъектларига олдин берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган даврда фоииз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоиизлик пунктдан ортқ бўлмаган қисми;

янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган кредитлар бўйича фоииз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоиизлик пунктдан ортқ бўлмаган қисми;

айланма маблағларни тўлдирish учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган 1 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда фоииз харажатларининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоиизлик пунктдан ортқ бўлмаган қисми.

Туризм соҳаси субъектларининг мазкур бандда кўзда тутилган фоииз харажатлари бўйича компенсациялар уларнинг кредитлари сони ва ҳажмидан, шунингдек, олдин берилган ва/ёки берилмаётган компенсациялар сонидан қатъи назар ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

а) ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 20-кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги ПҚ-6002-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон қарори ҳамда мазкур қарорга мувофиқ тадбиркорлик субъектларига ажратилган маблағлар ҳисоб-китоби асосида кейинги ой учун ажратилиши режалаштирилаётган маблағлар бўйича буюртманомани Молия вазирлигига тақдим қилиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомасига биноан ҳар ойнинг якунига қадар буюртманомада келтирилган маблағларни Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридagi бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобига ўтказсин;

б) бир ой мuddатда ўзининг расмий веб-саҳифасида субсидия, давлат субсидияси ва грант олганлар сони ҳамда тақдим этилган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар янгилаб борилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) туристик зонада замонавий автотурароғош ташкил этиш, унга киришда тўлов операцияларини амалга ошириш ва текшириб бориш учун мўлжалланган дастурий-аппаратли таъминот мажмуаси ва унинг тўлиқ жорий қилиниши ва ишлаши учун зарур бўлган ускуналарни ўрнатиш маҳаллий бюджет манбалари ҳисобига қопланади;

б) туристик зонага киришдан тушган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоиизи – Туристик зона дирекцияси махсус ҳисобрақамига;

20 фоиизи – маҳаллий бюджет ҳисобрақамига ўтказилади.

Бунда, туристик зонада замонавий автотурароғош ташкил этиш ва унга киришда тўлов операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган дастурий-аппаратли таъминот мажмуасини ўрнатишга оид харажатлар қоплангандан сўнг туристик зонага киришда тушадиган маблағларнинг 100 фоиизи Туристик зона дирекцияси махсус ҳисобига йўналтирилади.

в) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридagi «Туризм хизматларини сертификатлаш маркази» ДУК, истисно тарикасида, туризм ва ёндош инфратузилма объектилари ҳамда туристик хизматларни санитар-гигиеник хавфсиз хизмат кўрсатиш талаблари асосида сертификатлаш фаолияти билан шугулланишга аккредитация қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари кабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 6 октябрь  
602-сон.

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 6 октябрдаги 602-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **ТУРОПЕРАТОРЛАР, ТУРАГЕНТЛАР ВА ЖОЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚОПЛАШ УЧУН СУБСИДИЯЛАР БЕРИШНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

### **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низоми Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридagi бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобига субсидиялар ажратишнинг вақтинчалик тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомада қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

субсидия – туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларининг Жамғармадан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун ажратилган маблағлар;

туроператор – туристик маҳсулотларни шакллантириш, илгари суриш ва реализация қилиш юзасидан туристик фаолият билан шугулланадиган юридик шахс – Ўзбекистон Республикаси резиденти;



**турагент** – туристик маҳсулотни елгари суриш ва реализация қилиш учун туризм фаолияти билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси резиденти;

**жойлаштириш воситалари** – меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектлар, шунингдек, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган ер усти транспорти;

3. Субсидиялар қуйидагиларга:

туроператорларга – авиа ва темир йўл чипталари харажатларининг бир қисmini қоплаш учун;

туроператор ва турагентларга – Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун;

жойлаштириш воситаларига – жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) учун ажратилади.

4. Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари ҳар ой якуни билан (келгуси ойнинг 10-кунига қадар) субсидиялар ажратилиши учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига (кейинги ўринларда – Қўмита) маълумотлар тақдим этади.

5. Туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситалари аризани топишири вақтида қайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида бўлмаслиги керак ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча тўхтатилган бўлмаслиги лозим.

## **2-БОБ. АВИА ВА ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚОПЛАШ БЎЙИЧА ТУРОПЕРАТОРЛАРГА СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ**

6. Субсидия кириш туризмни қайта тиклаш бошланганидан эътиборан 2020 йил 31 декабргача ажратилади.

7. Субсидия қуйидаги шартларда берилади:

а) хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (хорижий туристлар) учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жойлаштириш воситаларида камида 5 кеча тунашни ўз ичига олган турни ташкил қилиш;

б) ҳар бир туристик гуруҳ камида 10 нафар хорижий туристлардан иборат бўлиши.

8. Субсидия ҳар бир ташкил қилинган тур учун сотиб олинган авиа ва темир йўл чипталарининг умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида ажратилади.

9. Туроператор субсидия олиш мақсадида Қўмитага ушбу Низомга 1-иловага\*\*\* мувофиқ шаклда субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

10. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) авиа ва темир йўл чипталари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган жойлаштириш воситаларида туристларга кўрсатилган хизматлар учун тузилган шартномалар бўйича ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (касса чеълари, бажарилган ишлар далолатномалари ва бошқалар);

в) туристик ваучерларнинг нусхалари;

г) ушбу Низомга 2-иловага\*\*\* мувофиқ ҳисобот шакли.

## **3-БОБ. ТУРОПЕРАТОРЛАР ВА ТУРАГЕНТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИНГАН ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛГАН ҲАР БИР ТУРИСТ УЧУН СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ**

11. Субсидия кириш туризми бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 минг нафарга етунгача қадар ажратилади.

Қўмита кириш туризми бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг ҳисобини юротида ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

12. Субсидия туроператорларга ва турагентларга – Ўзбекистон Республикаси резидентларига Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун, камида беш сутка давомида республикадаги жойлаштириш воситаларида бўлиш шarti билан 15 АҚШ доллари миқдорида ажратилади.

Субсидия миллий валютада тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича ажратилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасиде туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон Фармониға асосан харажатлари қопланадиган чартер рейслар орқали олиб келинган ва хизмат кўрсатилган турлар ташкилотчиси бўлган туроператорларга субсидия ажратилмайди.

14. Субсидиялар олиш учун туроператор ёки турагент Қўмитага ушбу Низомга 1-иловаға мувофиқ шаклда маблағ ажратиш тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

15. Аризаға қуйидаги ҳужжатлар:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жойлаштириш воситаларида туристларға кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (касса чеълари, бажарилган ишлар далолатномалари ва бошқалар);

б) туристик ваучерларнинг нусхалари;

в) ушбу Низомнинг 2-иловағига мувофиқ ҳисобот шакли илова қилинади.

## **4-БОБ. ЖОЙЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ (МЕҲМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИ) УЧУН ЖОЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ**

16. Жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) учун жойлаштириш воситалариға субсидиялар 2021 йил 31 декабргача ажратилади.

17. Субсидиялар жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорида ажратилади.

Бунда жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари)ға номер (жой) нархиға киритиладиган хизматлар ҳисобат олинади ҳамда жойлаштириш воситаси томонидан кўрсатилган қўшимча хизматлар (бар хизмати, ресторан хизмати ва бошқалар) киритилмайди.

Жойлаштириш воситаси ҳар бир таширф буюрувчи ҳақидаги маълумотларни автоматлаштирилган махсус электрон дастур («E-MENHON»)ға киритиш чоғида у жойлашган номер (жой) нархини қўшимча равишда киритиб бориши шарт.

18. Субсидия олиш учун жойлаштириш воситалари Қўмитаға ушбу Низомга 1-иловаға мувофиқ шаклда маблағ ажратилиши тўғрисидаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

19. Аризаға қуйидагилар илова қилинади:

\*\*\*Низомга 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.



а) жойлаштириш воситасида жойлаштириш хизматлари кўрсатилган ташриф буюрувчилар рўйхати ва уларга кўрсатилган жойлаштириш хизматлари ҳажми тўғрисида маълумот;

б) жойлаштириш хизматлари кўрсатиш шартномалари (инвойс) ва ёки жойлаштириш хизматлари ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

в) номер (жой) нарҳини шакллантириш тартибини белгилочи жойлаштириш воситасининг ички қоидалари нусхаси.

20. Қўмита жойлаштириш воситаларида ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатилганлигининг ҳаққонийлигини автоматлаштирилган махсус электрон дастур («Е-МЕМОН») орқали текширади.

#### 5-БОБ. АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

21. Қўмита ариза олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини текширади.

22. Аризани ўрганиб чиқишда қўшимча ўрганишлар ўтказиш талаб этилса, Қўмита ариза берувчини ёзма шаклда ёки электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади ҳамда аризани ўрганиб чиқишни қўшимча 5 календарь кунга узайтириши мумкин.

Бунда қўшимча ўрганиш ҳудудларга чиқиб ўрганиш зарурати туғилганда амалга оширилади.

23. Аризани ўрганиб чиққандан сўнг, бир иш куни мобайнида субсидияларни ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарорнинг нусхаси қабул қилинган кунда ариза берувчига юборилади.

24. Субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатиб ўтилган қарор ариза берувчига ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунинда юборилади.

Ариза берувчи қарорни олган кундан бошлаб кўли билан икки ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган камчиликлар барта-раф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қўмитага такроран ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

25. Субсидия бериш куйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ушбу Низомнинг 10, 15 ва 19-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тақдим қилинмаган ёки тўлиқ ҳажмда тақдим қилинмаганлиги;

б) тақдим қилинган ҳужжатларнинг нотўғрилиги;

в) ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган туристлар сони лимитининг тугаши;

г) ушбу Низомнинг 6 ва 16-бандларида белгиланган маблағлар ажратиш муддатининг тугаши.

Субсидия беришни ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

26. Ариза такроран тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида Қўмита томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бунда янги асослар бўйича субсидия беришни рад этиш мумкин эмас.

27. Ушбу Низомнинг 24-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган муддат тугагандан кейин тақдим қилинган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

28. Ушбу Низомнинг 24-банди «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган сабабларга кўра янгидан тақдим қилинган аризалар кўриб чиқилмайди.

29. Аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг якуний муддатлари:

авиа ва темир йўл чипталари харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича туроператорларнинг аризаларини қабул қилиш 2020 йил 15 декабрга қадар, уларни кўриб чиқиш эса 2020 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади;

жойлаштириш хизматлари (меҳмонхона хизматлари) учун жойлаштириш воситаларининг аризаларини қабул қилиш 2021 йил 15 декабрга қадар, уларни кўриб чиқиш эса 2021 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади;

олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир турист учун туроператорлар ва турагентларнинг аризаларини қабул қилиш кириш туризми бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристлар сони 500 мингга етганлиги эълон қилинган кунгача, уларни кўриб чиқиш эса кириб келувчи хорижий туристлар сони Қўмита томонидан 500 мингга етганлиги эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади.

#### 6-БОБ. СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

30. Субсидия туроператор, турагент ва жойлаштириш воситаларига ҳар ой якуни бўйича, уларнинг ҳар ойда (ой якуни билан кейинги ойнинг 5-кунига қадар) тақдим этадиган аризалари асосида ажратилади.

31. Субсидия ажратиш учун Қўмита Молия вазирлигига тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган маблағлар ҳисоб-китоби акс эттирилган бюртномани тақдим этади.

32. Молия вазирлиги Қўмита томонидан тақдим этилган бюртномани уч иш кунинда кўриб чиқади ва тегишли маблағларни Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказиши.

Бунда тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш учун Молия вазирлиги томонидан Қўмитага белгиланган тартибда шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

33. Маблағлар ўтказилгандан сўнг уларни Қўмита уч иш кунинда тадбиркорлик субъектларининг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига ўтказиб беради.

#### 7-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

34. Субсидия олиш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўғрилигига тегишли тадбиркорлик субъектлари масъул ҳисобланади.

35. Қўмита субсидия бериш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш, ажратилган маблағларнинг етказилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

36. Субсидия маблағларининг тадбиркорлик субъектларига ўтказилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.


37. Тақдим этилган маълумотлар сохталиги аниқланган ҳолларда Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаментига тақдимнома киритилади ва ажратилган субсидия мазкур департамент томонидан белгиланган тартибда Давлат бюджетига қайтарилади.

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



**?** Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона бир нечта фаолият тури (ёқилги қўйиши ва иссиқхона) билан шуғулланади. 2020 йил июнда қолдиқ қиймати 3 374 850,1 минг сўм бўлишига қарамай, иссиқхона ҚҚСни ҳисобга ҳолда 1 300 000 минг сўмга сотилди, натижада 2 074 850,1 минг сўм миқдоридан зарар кўрилди. 169 565,2 минг сўм (1 130 434,78 х 15%) миқдоридан ҚҚС ҳисобланган. 2020 йилнинг I ярим йиллиги учун фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган фойда мавжуд эмас, сабаби молиявий натижа – 1 602 874,1 минг сўмлик зарар билан қайд этилган (I ярим йиллик учун ёқилги қўйишдан олинган фойда – 471 976 минг сўм, АВ – иссиқхона чиқиб кетган, зарар – 2 074 850,1 минг сўм). 2020 йил августда солиқ инспекцияси томонидан камерал тегириув ўтказилган. Тегириув натижалари бўйича далолатномада корхона фойда солиғи бўйича қайта ҳисоб-китоб тақдим этиши ва ёқилги қўйишдан олинган фойдадан 70 796,4 минг сўм (471 976 х 15%) миқдоридан солиқ тўлаши, иссиқхона чиқиб кетишидан кўрилган зарарни эса СКнинг 317-моддаси 27-бандига амал қилган ҳолда чегирилмайдиган харажат деб ҳисоблаши лозимлиги кўрсатилган.

Солиқ инспекциясининг АВни реализация қилишдан кўрилган зарарни СКнинг 317-моддаси 27-бандига мувофиқ чегириладиган харажатлардан чиқариб ташлаш тўғрисидаги талаби тўғрисида?



## АВни РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАН ЗАРАР ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

– Йўқ, сизнинг ҳолатда СКнинг 317-моддаси 27-банди асосий воситани реализация қилишдан кўрилган зарарни чегириладиган харажатлардан чиқариб ташлаш учун асос бўла олмайди. Ушбу банд бўйича текин берилган мол-мулк (хизматлар) қиймати ва бундай бериш билан боғлиқ харажатлар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади. Сизнинг ҳолатда АВ ҳақ эвазига реализация қилинган.

Бунда АВни реализация қилишдан кўрилган зарар иқтисодий жиҳатдан асосланган (иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган) деб ҳисобланса, чегириладиган харажат деб эътироф этилади (СК 305-м. 4, 14-қ.).

Ҳар қандай харажатлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қўйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар деб эътироф этилади:

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат килса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;
- 3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Сиз кўрсатиб ўтган операция солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг ҳуқуқини суниестемол қилиш бобда кўриб чиқилиши мумкин. Солиқ тўловчи ягона ёки устувор мақсади солиқ тўламаслик тарзидаги асоссиз солиқ нафи олишдан ёхуд ўзи тўлайдиган солиқларнинг суммасини камайтиришдан иборат бўлган операцияларни ёки операциялар кетма-кетлигини амалга оширса, унинг бундай ҳаракатлари СК мақсадларидан ҳуқуқни суниестемол қилиш деб эътироф этилади (СК 14-м. 5-қ.).

Солиқларнинг суммаларини камайтиришга оид схема ҳам ҳуқуқни суниестемол қилиш деб эътироф этилади, бунда ушбу камайтириш бевосита ёки билвосита мақсад ёхуд оқибат бўлади ёки мақсадлардан ёхуд оқибатлардан бири бўлади ҳамда бу мақсад ёки оқибат иккинчи даражали бўлмайди. Солиқларнинг суммаларини камайтириш солиқ солиш қамровини бевосита ёки билвосита ўзгартиришни, солиқ имтиёзларидан фойдаланишни ёки тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаларини бошқача тарзда камайтиришни ўз ичига олади (СК 14-м. 6-қ.).

Ҳуқуқ суниестемол қилинган ҳолларда, солиқ органлари солиқ тўловчи тўлаши лозим бўлган солиқларнинг суммаларини аниқлашда ҳуқуқни суниестемол қилиш аломатларига эга бўлган ай-

рим операцияларни ёки операциялар кетма-кетлигини эътиборга олмасликка ҳақли. Шунингдек солиқ органлари тўлаши лозим бўлган солиқлар суммаларини бундай суниестемолликнинг таъсирини истисно этадиган тарзда ўзгартиришга ҳақли.

Ҳуқуқни суниестемол қилишнинг, битим қалбакилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилади (СК 14-м. 7, 8-қ.).

Шу тариха, қорхонангиз томонидан битим иқтисодий жиҳатдан асосланган деб ҳисобланса, кўрилган зарар чегириладиган харажат бўлади ва сиз солиқ органларига ўз позициянгизни асослаб беришга ҳақлисиз.

**Изоҳ:** фойда солиғидан ташқари, агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли. Солиқ тўловчи бундай қарор юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақли (СК 248-м. 4-қ.).

## COVID-19 БҲЙИЧА КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ ВА ЖШДС

**?** Ташкилотда 3 йиллик стажга эга бўлган бухгалтер 30% ўпка шикастланиши билан Covid-19 пневмониясига чалинди (масоқловчи ҳужжатлар мавжуд). 46 кундан кейин у соғайди ҳамда ишга қайтиб, касаллик варақасини ва касалхонадан кўчирмани тақдим этди. Бундай касаллик варақасига ЖШДС ва ижтимоий солиқ солинадими, қандай фоиз бўйича ҳисоб-китоб қилинади?

– Covid-19 билан касалланганлик бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасига ЖШДС солинади. Бунда унга ижтимоий солиқ солинмайди. Бу нафақа жисмоний шахснинг бошқа даромади сифатида қаралади (СК 377-м. 15-б.), бунда СКнинг 378-моддаси бўйича имтиёзлар назарда тутилмаган. Фақат меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга ижтимоий солиқ солинади, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси эса бундай даромад ҳисобланмайди (СК 403-м.).

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ҳисоблаш тартиби Давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида низома белгиланган (АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ҳисобланган ўртача иш ҳақида қўлланиладиган фоизни ҳисоблашда ходимнинг муайян иш жойидаги аниқ иш стажы эмас, балки умумий иш стажы ҳисобга олинади.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (Низомнинг 27-б.) истисно этилган ҳолда, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

- а) умумий иш стажы 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80%и миқдорида;
- б) умумий иш стажы 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60%и миқдорида (Низомнинг 28-банди).

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар жумласига сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар,



жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра), руҳий касалликлар қиради. Ушбу гуруҳда Covid-19 касаллиги мавжуд эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар, иш ҳақининг 100%и миқдорида қуйидагиларга тўланади:

- ишлаётган 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига;
- байналминал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;
- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

• Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

• Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

• меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга (Низомнинг 26-банди).

Замира ЖҲРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



✉ ПОЧТА ҚУТИСИ

# ДАВЛАТ ФОЙДАСИГА «ВОЗ КЕЧИНИГ»

**?** Корхона жўнатувчининг мулкида бўлган контейнерда юборилган товарни импорт қилиб олди. Импорт шартномасига мувофиқ етказиб берувчи – А фирмаси ҳисобланади (шартнома у билан тузилган). Товарни жўнатувчилар бошиқа 2 та – В ва С фирмалари. Товар С фирмасидан контейнерда етиб келди. Инвойсда «Етказиб бериш бепул» деб ёзилган ва контейнер учун ҳужжатлар илова қилинган. Жўнатувчининг сўзларига кўра, контейнерни улар бизга «совга сифатида» беришган. Контейнерга ҳужжат бўлиб бир хат ҳисобланади, хатда жўнатувчи С контейнерни аллақандай фирмадан 2 500 АҚШ долларида сотиб олиши айтилган (хатнинг бизнинг корхонага алоқаси йўқ). Шу билан бирга божхона расмийлаштирувидан ўтган ва хатга мувофиқ контейнернинг нархи акс этирилган БЮД ҳам мавжуд. Контейнерни сақлаш бўйича харажатлар бор. Товарга алоҳида, контейнерга алоҳида БЮД расмийлаштирилган. Корхонамиз «совга»ни олмоқчи эмас, сабаби бу ортиқча харажатларни талаб қилади – мол-мулкни бепул олганимиз учун солиқлар юзага келмоқда. Контейнерни ортига қайтаришининг ҳам иложи йўқ (лекин контейнер учун, уни товарсиз божхонада расмийлаштиришга учун божхона божни тўланган, сақлаш хизматлари ҳақи ҳам тўланган).

Шу вазиятда қандай йўл тутайлик?

– Сизнинг ҳолатингизда муаммони ҳал қилишнинг мақбул йўли «бахтиқаро» контейнерни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштириш бўлиши мумкин. Бу шундай режимки, бунда товар ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси ёхуд товарга ва (ёки) транспорт воситасига нисбатан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёкинги товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи шахс ваколатли шахс товардан воз кечадиган ҳамда уни божхона тўловлари тўланмаган ва иктисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда текинга давлат мулкига ўтказди (БК 128-м.).

Товарни мазкур божхона режимига жойлаштириш БКнинг 21-бобига

божхона режимига расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларга нисбатан арзонроққа тушади.

Товар давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилганидан кейин ваколатли шахс мазкур божхона режимини бошқасига алмаштиришга ҳақли бўлмайди.

Товарни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома олиш тўғрисидаги аризанинг қонунийлиги учун ҳар қандай учинчи шахс олдида жавобгарлик ваколатли шахснинг зиммасида бўлади.

## Режимга жойлаштириш учун ҳужжатлар

Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштириладиган товарнинг божхона расмийлаштиру-

Товардан давлат фойдасига воз кечиш давлатнинг бирор-бир харажат қилишига сабаб бўлмалиги керак.

Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига қуйидаги товар жойлаштирилмайди:

- божхона ҳудудига олиб кирилгани тақиқланган товар;
- муомаладан чиқарилган ёки муомаласи чекланган товар;
- агар товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши лозим бўлса, божхона органларининг ахборот тизимида унга нисбатан ушибу органларнинг тегишли рухсатномаси бўлмаган товар.

БК 129-моддасидан.

мувофиқ божхона органи томонидан бериладиган рухсатнома асосида амалга оширилади.

Товарни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштириш учун рухсатнома товар ЎзР ҳудудига кириб келганидан ва божхона органига тақдим этилганидан кейингина берилди.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, товардан давлат фойдасига воз кечган ваколатли шахс уни божхона органи томонидан белгиланадиган жойга етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади. Умид қиламизки, бу контейнерни эркин муомалага чиқариш (импорт)

ви товар қайси божхона органининг фаолият кўрсатиш зонасида турган бўлса, ўша божхона органи томонидан амалга оширилади.

Мазкур божхона режимига жойлаштириладиган товар ваколатли шахс томонидан божхона органига топшириладиганда 2 нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси рухсатнома берган божхона органида сақланади. Далолатноманинг иккинчи нусхаси ваколатли шахсга берилди.

Божхона режимига жойлаштирилган товар давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли органга



қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда топширилади (БК 131-м.).

Товарни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома олиш учун ваколатли шахс товар қайси божхона органи фаолият кўрсатиш зонасида турган бўлса, ўша божхона органига рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани тақдим этади.

Рухсатнома олиш учун ваколатли шахсдан бошқа ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди (БК 133-м.).

Аризада ваколатли шахснинг электрон манзили кўрсатилади, бу эса ва-

## Рухсатнома олишнинг ўзига хос жиҳатлари

Божхона органи тегишли рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани олганидан сўнг Божхона кодексида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилганлигини текширади. Божхона органи товарларни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимларига жойлаштиришга рухсатнома олиш учун аризаларни кўриб чиқаётганда товарларни божхона кўригидан ўтказди (БК 136-м.).

Аризани кўриб чиқиш мuddати 10 кундан ошмаслиги керак (БК 137-м. 1-қ. 4-б.).

**Маълумот учун.** Рухсатнома беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлади:

- рухсатнома бериш учун зарур ҳужжатлар ваколатли шахс томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;
- товарларнинг БКга мувофиқ рухсатнома олинишини назарда тутувчи божхона режимига жойлаштириш учун белгиланган талаблар ва шартларга мос эмаслиги;
- ваколатли шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги (БК 138-м.).

колатли шахснинг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг ўз аризаси бўйича қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарни ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

Ариза ваколатли шахс томонидан божхона органига Интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали «бир дарча» принципи бўйича тақдим этилади.

Ваколатли шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар божхона органи унинг аксини тасдиқламагунича барча ҳолларда тўғри деб ҳисобланади.

Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик ваколатли шахснинг зиммасида бўлади (БК 135-м.).

Рухсатнома қуйидагилар асосида бекор қилиниши мумкин:

- ваколатли шахснинг рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига кўра;
- рухсатнома қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Биринчи ҳолатда рухсатнома божхона органи томонидан бекор қилинади. Иккинчи ҳолатда эса – суд томонидан бекор қилинади.

Рухсатнома бекор қилинган тақдирда, у божхона органларига қайтарилмайди.

Рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори рухсатнома берилган санадан эътиборан амал қилади. Уни бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин (БК 142-м.).

**Маълумот учун.** Товарни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштириш учун рухсатнома берган божхона органи:

- ваколатли шахс давлат фойдасига воз кечган товарга нисбатан учинчи шахсларнинг бирор-бир мулкий талабини қаноатлантирмайди;
- товар мазкур божхона режимига жойлаштирилганига қадар ташувчининг, оմбор эгасининг ёки бошқа шахсларнинг шу товарни ташини, сақлаш, у билан юк операциялари ва бошқа операциялар ўтказиши билан боғлиқ бирор-бир харажатининг ўрнини қопламайди.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.





## БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНГАНИ ХУСУСИДА

**?** 2020 йил 1 октябрдан қайси божхона имтиёзлари ўз кучини йўқотганлигини айтиб берсангиз, илтимос. Бу қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган?

– Президентнинг «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони (19.06.2020 йилдаги ПФ-6011-сон) 2-иловада Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари рўйхати келтирилган. Фармон 2020 йил 1 октябрдан кучга кирди.

Шу ҳужжатга биноан Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун белгиланган асосий кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар рўйхати (10.04.2012 йилдаги ПФ-4434-сон Фармонга 1-илова) ҳам кучини йўқотган.

Мазкур Рўйхатнинг II бўлими 3-бандига кўра нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қидириш, разведка қилиш ва бошқа тегишли ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган машина-ускуналарни, моддий-техника ресурслари ва хизматларни импорт қилиш чоғида божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган эди (28.04.2000 йилдаги ПФ-2598-сон Фармоннинг 4-банди).

Рўйхатнинг II бўлими 5-бандига асосан қуйидагилар божхона божи ундирилишидан озод этилган эди:

- чет эллик инвесторлар ва устав фондида камида 33 фоиз улушга эга

бўлган чет эл инвестицияси эга корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк;

- чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулки;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига умумий суммада камида 50 млн АҚШ долларилек тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга оширувчи хорижий юридик шахслар томонидан олиб кириладиган товарлар, бунда олиб кириладиган товарлар уларнинг ўз ишлаб чиқариш махсулоти бўлиши шарт қилинади;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида тасдиқланган рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, бунда етказиб бериш технологик асбоб-ускунани етказиб бериш шартномаси шартларида назарда тутилган бўлиши шарт қилинади.

Яна шунини эслатиб ўтиш ўринлики, ПФ-6011-сон Фармонга 1-илова билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Улар божхона тўловлари бўйича имтиёзларга тааллуқли бўлган бир қатор қоидаларга тегишлидир.

## ОЛИБ ЧИҚИШ МУМКИН, ЛЕКИН РУХСАТНОМА БИЛАН

**?** Эндиликда нафақат юридик шахс, балки жисмоний шахсларга ҳам қимматбаҳо металлдан тайёрланган ёмбиларни ташқарига чекловларсиз олиб чиқиш ҳуқуқи берилди деб эшитдим. Бу билан, масалан, заргарлик буюмларини ташқарига олиб чиқиб, россиялик ёки қозоғистонлик заргарларга буюртмалар бериш имконияти туғилди. Афсуски, бу қоидалар ёзилган ҳужжат ҳеч қаерда кўрсатилмаган. Қимматбаҳо металлларни чекловларсиз олиб чиқишга рухсат берувчи ҳужжатнинг номи ва рақамини айтиб юборинг, илтимос. Бунинг учун божхонада қанча тўлаш лозим бўлади?

– Ҳақиқатан ҳам Президентнинг «Қимматбаҳо металллар муомаласини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (22.09.2020 йилдаги ПФ-6066-сон) билан жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металлдан тайёрланган ўлчовли ёмбилар ва Марказий банкнинг қимматбаҳо металлдан тайёрланган тангаларини мамлакат ҳудудидан ташқарига чекловларсиз олиб чиқиш ҳуқуқи берилди. Бунда 2 та шартга риоя қилиш керак: тегишли сертификатга эга бўлиш ва товарларни олиб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган меъридан ошган тақдирда, мажбурий равишда йўловчи божхона декларациясини тўлдириш керак.

Уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўловчи декларациясининг 5-бандида кўрсатилади (Йўриқноманинг 7-б., АВ рақами 2606, 5.08.2014 й.).

Эслатиб ўтамиз, қўл юкида ва кузатиб борилаётган бағажда товарлар олиб кираётган жисмоний шахслар учун ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган (7.11.2019 йилдаги ПҚ-4508-сон қарорнинг 1-б.).

Ягона божхона тўлови божхона тўловлари ундирилмайдиган товарлар жисмоний шахслар томонидан республикага олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортик қисмига нисбатан ундирилади. Унинг ставкаси товарнинг божхона қийматидан 30 фоиз, лекин ҳар бир кг учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда белгиланган (ПҚ-4508-сон қарорнинг 3-б.). Бунда ставкаларнинг миқдорлари амалда белгиланган божхона божи, акциз солиғи ва ҚҚС ставкаларининг жамланмасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

## РЎЙХАТЛАР БИЛАН СОЛИШТИРИНГ

**?** Қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарини олиб келишга имтиёзлар сақлаб қолинганми-йўқми, шунини билмоқчи эдик.

– Қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарига киритиш мумкин бўлган бир қатор товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхати (АВ томонидан 20.03.2013 йилда 2436-сон билан рўйхатдан ўтказилган) киритилган. Ўз мурожаатингизда асбоб-ускуналарнинг аниқ номи кўрсатмаганлигингиз сабабли сиз импорт қилаётган асбоб-ускуналарингизни ТИФ ТН коди бўйича Рўйхатга кирадими-йўқлигини солиштириб кўринг.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган алоҳида асбоб-ускуналар учун имтиёзлар Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2016 йилдаги 110-сон қароридан ҳам назарда тутилган.

Ҳужжатга 1-иловада «Ўззовет-таъминотхизмат» Давлат корхонаси, наслдор чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик субъектлари,

комбикорм ва қўшимча ем, ветеринар вакциналар ва препаратларни ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари томонидан 2021 йил 1 январгача божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимдан ташқари) тўлашдан озод этилган ҳолда олиб келинадиган насли махсулотлар, технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, комбикорм ва қўшимча ем ишлаб чиқариш учун компонентлар, шунингдек пайвандтаг, кўчатлар ва томчилатиб сўғориш тизими учун асбоб-ускуналар рўйхати келтирилган.

ВМнинг 110-сон қарорига 2-иловада 2021 йил 1 январгача божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимдан ташқари) тўлашдан озод этилган ҳолда фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар томонидан олиб келинадиган пайвандтаг, кўчатлар ва томчилатиб, ёмғир усулида ва бошқа усулларда сўғориш тизимлари учун асбоб-ускуналар рўйхати кўрсатилган.

### «КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Бахтиёржон кўчи, 1/1. Б.с. (71) 200-00-90.

E-mail: office@norga.uz; web: www.norga.uz





21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

## ОНА ТИЛИ – МИЛЛАТ ТИМСОЛИ

2020 йил 10 апрелда Президентимиз томонидан «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-615-сон) имзоланди. Бу тарихий ҳодисанинг тилимиз тараққиёти учун ахамияти жуда катта.

Ҳар биримиз болалигимиздан неча асрлар оша оғиздан-оғизга ўтиб келаётган халқ дostonлари, эртақлару лапарлар, ҳикматли нақлларни бобо ва момоларимиз тилидан эшитиб улғайдик. Шу аснода қалбимизда жасораат, фидойилик, она заминга меҳр-муҳаббат, элу юртга садоқат каби инсоний туйғулар шаклланди.

Она сути билан тилимиз чиқади, она тилимиз орқали Алломининг мардлиги, Жалолидиннинг ватанпарварлиги руҳиятимизни юксалтиради, Алишер Навоийнинг «Хазойин-ул маоний»си дунёқарашимизни

кенгайтиради. Фуркатнинг ғазаллари элу юрт қадрини англади. «Бобурнома», «Ўткан кунлар» тарихимиз билан яқинлаштиради. Фахр-ифтихор билан айтиш жоизки, она тилимиз – ўзбек тили кўп асрлар давомида дунё цивилизациясига, умумбашарий қадриятлар ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, Махмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, ҳазрати Аҳмад Яссавий, Бобур Мирзо, Бобораҳим Машраб, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби буюк аллома ва адибларнинг ўлмас асарлари нафақат миллатимиз, балки ҳеч муболағасиз

айтиш мумкинки, инсоният маънавиятининг сарчашмаси саналади.

Президентимизнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эса бир қувончимизга ўн қувонч қўшди, мустақиллик шуқуҳини баралла ҳис қилдик. Айниқса, «Бизнинг ёшлар, албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир», деган даъвати эртанги кунимиз эгалари бўлиши фарзандларимиз учун ўзига хос бетакрор маънавий-ахлоқий тарбия мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.



Шунингдек, ушбу Фармонда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомининг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тўла-тўқис жорий қилиниши учун тегишли чора-тадбирларни аниқ белгилаб берилган. Айтиши жоизки, бир неча ўн йиллар давомида тилимиз ривожини борасида жонлана олмаган воқеалар фаол ва самарадор ҳаракатга келди. Давлатимизнинг бу борадаги ишларини жадаллаштиришга қаратилган бир қанча қарорлари ва аниқ режалари тасдиқланди, яна бир қанча режалар устида ишлар олиб боришмоқда. Тилимиз мавқеининг давлат миқёсида бу қадар юқори кўтарилиши ҳар биримизда масъулият ва жавобгарлик ҳиссини уйғотиши керак албатта.

Бекзод ЧУЛИЕВ,

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Кадрлар бўлими бош инспектори, божхона хизмати капитани.

## ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

### НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ – КЕЛТИРАР АЗИЯТ

Божхоначилар йирик жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйишди

Бугунги кунда юртимизда ташқи иқтисодий фаолият катнашчилари учун божхона соҳасида кўплаб қулайликлар яратилган. Соҳада жорий этилган «рақамли божхона» доирасидаги «Хавфни бошқариш» тизими имкониятлари ёрдамида экспорт-импортга расмийлаштирилмаган юклар «яшил» ва «сарик» йўлақлар орқали соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан расмийлаштирилмоқда.

Шу билан бирга республикамызда «яширин иқтисодиёт»нинг улущини кескин қисқартириш мақсадида бож-

хона органларининг тезкор таркибий тузилмалари олинган маълумотлар таҳлили асосида катта миқдордаги

товар-моддий бойликларнинг ноқонуний импорти билан шуғулланувчи ташқи иқтисодий фаолият катнашчиларининг фаолиятига чек қўйиш бўйича тезкор-кидирув тадбирларини амалга оширмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи бир нечта МЧЖларнинг расмий ва норасмий раҳбарлари, уларнинг ноқонуний фаолиятида иштирок этувчи фуқаролар тезкор таркибий тузилмалар томонидан кузатувга олинди. Бу кузатувлар давомида бирламчи шубҳалар ўз тасдиғини топди.

Жорий йилнинг 4 октябрь куни пойтахт шаҳар божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бўлиmlари ҳамда «Чуқурсой» божхона пости ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда давлат бюджетига божхона тўловларини тўламаслик мақсадида йирик миқдордаги импорт товарларни паст ставкали товарларга алмаштириш билан шуғулланиб келган жиноий гуруҳнинг фаолияти фош этилди.

Маълум бўлишича, олдиндан тузилган режага кўра ташкилот номи-

га хориждан импорт қилинган юқори ставкали генератор, сув пуркагич, чангюггич, кириовгич каби қимматбаҳо хўжалик ускуналари ва қурилиш анжомлари («Вақтинча сақлаш» божхона режимида расмийлаштирилиб, ўз оморидида юқоридаги товарлар ўрнига жиноий гуруҳ аъзолари томонидан сохта йўл-юк кузатув хўжатларида кўрсатилган қулф, электрорд, ток қайчи ва арра каби 16 турдаги товарларга алмаштирилаётган вақтда тўхташиб қолинди.

Бундан қарангки, юк эгалари ушбу жиноятни амалга ошириш учун жиноий гуруҳга 20 нафар шахсни ёллаб, ҳар бирининг вазифаларини тақсимлашган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра йўл-юк хўжатларида кўрсатилмаган ва ашёвий далил сифатида олинган 31 турдаги 4 214 донга товарларнинг умумий қиймати 5 млрд сўмни ташкил этиши маълум бўлди.

Жиноий гуруҳнинг ғараз мақсадлари амалга ошган тақдирда давлатимиз газнасига бор-йўти 1 млрд сўм миқдоридида божхона тўловлари ундирилиши ҳисобига 4,5 млрд сўмликдан ортик зарар етказилар эди.

Мазкур қонунбузарлик ҳолати юзасидан ҳозирда божхона органлари томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Қоронанинг ташқи иқтисодий фаолияти эса божхона аудитидан ўтказилади.

ДБК Ахборот хизмати.



<p><b>СОЛИК 4 ХАБАРЛАРИ</b> БОЖХОНА</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-хуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиби рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 <b>ТЕЛЕФОН/ФАКС</b> Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p> <p>Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165, Қўғоз бичими – А3, Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-1015. Адади 610. Газета 2020 йил 12 октябрь соат 16.00 да топширилди.</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	--	--	--	---